ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

Бош илмий-методик марказ

# “ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ: ЯНГИЧА КАРАШЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР”

# МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА

**С.В. Йўлдошев тарих фанлари бўйичафалсафа доктори (PhD)**

2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ва ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.**

**Тузувчилар: С.В. Йўлдошев – ФарДУ тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

**Тақризчилар:М. Ҳ. Исомиддинов – ФарДУ тарих фанлари доктори, профессор**

**А.М.Салмонов – ФарДУ тарих фанлари номзоди, доцент**

# М У Н Д А Р И Ж А


| | | |
|---|---|---|
| I. | ИШЧИ ДАСТУР ........................................................................... | 4 |
| II. | МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ……………………………….. | 21 |
| III. | НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .................................. | 25 |
| IV. | АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .................................. | 78 |
| V. | ГЛОССАРИЙ ........................................................................... | 115 |
| VI. | ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ............................. | 140 |

# I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

### I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” модулининг мақсади,** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги

ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

**“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” модулининг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

## Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

**Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар** фани бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари, тарих ва тарихий хотиранинг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти;

– Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;

– Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизларини;

– Ўзбекистонда илк ўрта асрлар даври янги шаҳарларнинг шаклланишини;

– Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

– Ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

– Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

– педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

– Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувларфаннининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

– Ижтимоий фанларни турли соҳаларга татбиқ қилиш ва дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш ***малакаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

– ижтимоий фанларнинг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– ижтимоий фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;

– Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;

– ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;

– илғор ахборот-технологияларида ишлаш;

– видеодарсларни тайёрлаш;

– эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиш қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характерини ўзгартира олиш;

– ижтимоий фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш;

– Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳатларнинг назарий концептуал асослари, инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этилиши, янгича қараш ва ёндашувларга оид замонавий манбалардан фойдалана, тарихий-демографик жараёнларни таҳлил қила олиш олиш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

| | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | Мустақил таълим |
| | | | Жами | Жумладан | | | |
| | | | | Назарий | Амалий машғулот | Кўчма машғулот | |
| 1. | “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги | **2** | **2** | **2** | | | |
| 2. | Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар. | **2** | **2** | **2** | | | |
| 3. | Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. | **2** | **2** | **2** | | | |
| 4. | Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли. | **2** | **2** | **2** | | | |
| 5. | Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари, Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи. | **2** | **2** | | **2** | | |
| 6. | Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари | **2** | **2** | | **2** | | |
| 7. | Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари. | **2** | **2** | | **2** | | |
| 8. | Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида. | **2** | **2** | | **2** | | |
| 9. | Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. | **2** | **2** | | **2** | | |
| 10. | Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли | **2** | **2** | | **2** | | |
| | **Жами:** | **20** | **20** | **8** | **12** | | |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги (2 соат)

**Режа:**

1. Фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

“**Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар**” фанининг назарий-концептуал асоси Ўзбекистон Республикасининг Президентининг асарлари эканлиги кўплаб манбалар ва мисоллар асосида тушунтирилади. Назарий концептуал асоснинг натижалари тушунтирилади.

### 2-мавзу: Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар. (2 соат)

**Режа:**

1. Давлатчилик тушунчаси.
2. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.
3. “Авесто” ўзбек давлатчилик тарихи бўйича тарихий манба сифатида.
4. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва унда бошқарув тизими.

Ўрта Осиё ҳудудида илк давлат-тузумининг вужудга келиши ва ташкил топиши. Ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш ва деҳқончилик тараққиёти. Илк цивилизациянинг шаклланиши ва унинг ўзига хос қиёфаси. Давлат ташкил топиши жараёнида бошқарувнинг шаклланиши.”Авесто” ўзбек давлатчилик тарихи бўйича тарихий манба сифатида. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва унда бошқарув тизими. Қадимги давлатчиликнинг ташкил топиш шарт-шароитлари.Ўрта Осиё жумладан, Ўзбекистон худудида ривож топган илк давлар-подшоликлар, Аҳмонийларнинг чекланмаган подишо ҳокимияти (мутлоқ монархия) Сатрапликларда бошқарув тизими; Александрнинг бошқарув фаолияти; юнон-бактрия давлат бошқарув тартиби ва давлат тузими; Кушон давлати (подшолигида) хўжалик бошқаруви; Қанғ давлати ҳудуди ва тизими.

## 3-мавзу: Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. (2 соат)

**Режа:**

1. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”,
2. Давлатлар пайдо бўлишининг мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
3. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. Қадимги давлатлатларнинг ривожланиш босқичлари, ижтимоий иқтисодий муносабатлар, бошқарув тизимидаги функциялар; иқтисодий функциялар; ижтимоий функциялар; ҳарбий-сиёсий функциялар; ҳудудий функциялар ва уларнинг фаолиятлари.

## 4-мавзу: Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли. (2 соат)

**Режа:**

1. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.
2. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли..(Ахмонийлар, Довон ва Қанғ, Кушон давлатлари ҳудуди ва бошқарув тизими)

Ўзбекистон худудида ривож топган илк шаҳар-давлатлар, Ахмонийларнинг чекланмаган подшо ҳокимияти (мутлоқ монархия) Сатрапликларда бошқарув тизими; Александр Македонскийнинг бошқарув фаолияти; юнон-бактрия давлат бошқарув тартиби ва давлат тузими; Довон ва Қанғ давлатлари ҳудуди ва бошқарув тизими; Кушон давлати (подшолигида) хўжалик бошқаруви.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

### 1-мавзу: Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари. Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи. (2 соат)

**Режа:**

1. Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув (V-VIII аср ўрталаригача)
2. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқаруви
3. Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи

Дарсда эфталийлар давлатида ижтимоий-иқтисодий тузум; Турк хоқонлиги ва унинг маъмурий тузилиши, ижтимоий иқтисодий тузуми ва давлат бошқарув тартиблари (Хоқон) эл, улус махаллий бошқаруви; туман хокимликлари, қишлоқ ва шаҳар жамоалари. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши ва уларнинг Моварoуннаҳрдаги бошқаруви; ижтимоий сиёсий жараёнлар. Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва этакчи мавқега эга бўлиши; маҳаллий бошқарув тартиби. Сомонийлар давлати; ижтимоий-сиёсий жараёнлар; давлат бошқарув тартиби; ҳуқуқий муносабатлар. Қороҳонийлар давлати; маъмурий тузилиши, ҳудуди; давлат бошқаруви тартиблари; ижтимоий – сиёсий тузуми (Хоқон-Қорохон); ҳуқуқ-тартиботи. Ғазнавийлар ва Салжўқийларнинг бошқарув тизими. Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлатининг маъмурий тузилиши, бошқарув тартиблари; ижтимоий иқтисодий ҳаёти. Амир Темурнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва марказлашган давлат асосларининг яратилиши. Амир Темур зукко, тажрибали ва сиёсатдон, буюк давлат арбоби. Давлат бошқарувидаги ислоҳотлар. Амир Темурнинг эл юртни ўз тасарруфи ва итоатида тутиш учун тузган ўн икки “тузуг”и: давлат бошқарувида даргоҳ ва девонлар манбалар асосида ёритилади.

### 2-мавзу:Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари (2 соат)

**Режа:**

1. Бухоро хонлиги: марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари.

2. Хива хонлиги: ҳудуди, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари.

3. Қўқон хонлиги: ҳудуди, давлат тизими, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари.

Бухоро хонлиги: марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Шайбонийлар давлатининг маъмурий тузилиши. Абдуллахон II нинг сиёсат майдонига чиқиши. Бухоро хонлигининг вилоят (улус)лари. Бухоро шаҳри ва унга тегишли туманлар бошқаруви. Манғитлар сулоласи ҳумкронлиги даврида давлат бошқаруви ва маъмурий тизим. Амир – энг олий ҳукмдор. Давлат бошқарувида қушбеги мансабининг аҳамияти. Сарой унвонлари ва мансаблари: ҳарбий амалдорлар, сарой амалдорлари, диний унвон ва мансаблар. Унвонлар ва даражалар.

Хива хонлиги: ҳудуди, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Сарой амалдорлари, марказий ва маҳаллий бошқарувдаги ижтимоий табақалар, ҳарбий маъмурий амалдорлар, Кенгаш, инок, шайхулислом, девонбеги, ясовулбоши диний унвон ва мансаблар.

Қўқон хонлиги: ҳудуди, давлат тизими, маъмурий тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув тартиблари. Сарой унвонлари ва мансаблари: олий даражали, ўрта даражали, қуйи даражали. Ҳарбий маъмурий мансаблар ва унвонлар.

## 3-мавзу: Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари. (2 соат)

**Режа:**

1.Туркистон ўлкасида ҳарбий-мамурий ҳокимият тизимининг юзага келиши..

2. Туркистон генерал-губернаторлигида хокимият тузумини ва унинг функсиялари.

3. Россия империясининг Туркистондаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусияти.

Туркистон ўлкасида ҳарбий-мамурий ҳокимият тизимининг юзага келиши. Туркистон ўлкаси ички бошқарувини ташкиллаштиришда империяга

хос маъмурий анъаналар, мутлоқ ҳарбий қўмондонлик ва подшо ғазнаси манфаатларидан келиб чиқиб ўтказилиши. Туркистон генерал-губернаторлигида хокимият тузумини ва унинг функсиялари. Зарафшон округи ва Амударё бўлимлари фаолияти.Мустамлака бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши. Россия империясининг кўчирувчилик сиёсати. Ҳокимият, политсия ва суд органлари, фаолият доирасининг кенгайиши. Россия империясининг Туркистондаги миллий сиёсатининг ўзига хос хусусияти.

**4-мавзу: Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида. (2 соат)**

**Режа:**

1. 1917 йил сиёсий жараёнларида Туркистон. Туркистон Муҳторияти миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси.
2. Болшевиклар тузумига қарши кураш. ХХСР ва БХСР ларнинг ташкил топиши.
3. Ўрта осиёда миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши мақсад ва моҳияти. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши.
4. Ўзбекистонда синфий мафкурага асосланган коммунистик партиянинг мутлоқ хукмронлигининг ўрнатилиши.

1917 йил сиёсий жараёнларида Туркистон. Туркистон Муҳторияти миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси. Советлар андозаси асосида ТАССР ташкил топиши. Болшевиклар тузумига қарши кураш. ХХСР ва БХСР ларнинг ташкил топиши. Ўрта осиёда миллий-ҳудудий чегараланишнинг ўтказилиши мақсад ва моҳияти. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши СССР да бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими ўзининг барча салбий кўринишлари билан қарор топиши ва мустаҳкамланиши шароитида содир бўлиши. Ўзбекистонда синфий мафкурага асосланган коммунистик партиянинг мутлоқ хукмронлигининг ўрнатилиши. Ўзбекистон ССР Конститутсиясининг қабул қилиниши.

**5-мавзу: Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва**

**самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. (2 соат)**

**Режа:**

1. 1991 йил 31 август “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги асослари тўғрисидаги” Қонуннинг қабул қилиниши.
2. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.
3. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Конститутсиянинг қабул қилиниши.

1991 йил 31 август “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги асослари тўғрисидаги” Қонуннинг қабул қилиниши ва 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиниши. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши. Конститутсиянинг қабул қилиниши.

## 6-мавзу: Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли (2 соат)

**Режа:**

1. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мамлакатни модернизатсиялашда амалга оширилаётган жараёнлар моҳияти.
2. Миллий давлат тизимининг барпо қилиниши ва бошқарувда янги, самарали усулларнинг қарор топиши.
3. Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мамлакатни модернизатсиялашда амалга оширилаётган жараёнлар моҳияти. Миллий давлат тизимининг барпо қилиниши ва бошқарувда янги, самарали усулларнинг қарор топиши. Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилиги тараққиёти.

# АДАБИЁТЛАРРЎЙХАТИ

## I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари


1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.


## II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар


6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

10.Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги“Қадимийёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.
17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

## III. Махсус адабиётлар

1. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
2. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.
3. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

4. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.
5. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.
6. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
7. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
8. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.
9. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America.– Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
10.Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
11.David Spencer "Gateway", Students book, Macmillan 2012.
13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
12.Grant E.A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
13.H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni "PIONEER", B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
14.Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
15.Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century.– Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
16.Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
17.Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4787

18.Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017.– p. 193.
14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooksAccoun 2015. - 134 pp.
19.Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
20.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
21.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
22.Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
23.Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).

15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
24.Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
25.Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
26.Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
27.Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
28.Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.

29.Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
30.Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиев таҳрири остида.–Тошкент: Университет, 2010.
31.Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
32.История новейщего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
33.История новейщего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
34.История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
35.Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
36.Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
16. Матёқубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
37.Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
38.Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
39.Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
40.Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
41.Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
42.Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.

43.Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
44.Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
45.Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so’z, 2017.
46.Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

## IV. Интернет сайтлар

47.ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлиги: www.edu.uz.
48. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
49.www. Ziyonet. uz
50.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининграсмийсайти: www.gov.uz
51.ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлигининграсмийсайти: http://www.edu.uz/modules/ wfchannel
52. “Халқсўзи” газетаси – wwwinfo XS. Uz.
53. “Туркистон” газетаси – wwwturkistonsarkor. uz.
54. “Маърифат” журнали – wwwma’rifat – inform.
55. “Жамиятвабошқарув” журнали – wwwrzultacademyfreenetuz.
56. “Мозийдан садо” журнали – www moziy dostlink. Net

# II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## «ФСМУ»методи

**Технологиянингмақсади:**Мазкур технология иштирокчилардаги умумийфикрлардан хусусийхулосалар чиқариш,таққослаш,қиёслашорқали ахборотниўзлаштириш, хулосалаш,шунингдек,мустақилижодийфикрлаш кўникмаларинишакллантиришга хизмат қилади. Мазкуртехнологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилганмавзунисўрашда, уйга вазифаберишдаҳамдаамалиймашғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсияэтилади.

**Технологияни амалгаошириштартиби:**

-қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

-ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларнитарқатилади:

-иштирокчиларнингмуносабатлариндивидуалёкигуруҳийтартибда тақдимот қилинади.




ФСМУтаҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларниамалий машқларвамавжудтажрибалар асосидатезроқвамуваффақиятли ўзлаштирилишига асосбўлади.

**Намуна:**“Динларниўрганишда самаралиуслублрданбириминтақавий ёндашув” фикрга нисбатанмуносабатингизниФСМУорқалитаҳлил қилинг.

## “Тушунчалар таҳлили”методи

**Методнингмақсади:**мазкурметодқатнашчиларнингянгимавзубуйича дастлабки билимлар даражасиниташхисқилиш мақсадидақўлланилади, шунингдекмавзу бўйичатаянчтушунчаларниўзлаштиришдаражасини аниқлаш, ўз билимларинимустақил равишдатекшириш, баҳолашмақсадида қўлланилади.

“Тушунчалартаҳлили” методиниамалгаошириш тартиби:

- иштирокчилармашғулот қоидаларибилан таништирилади;
- ўқувчиларгамавзугаёкибобгатегишлибўлгансўзлар,тушунчалар номи туширилган тарқатмаларберилади(индивидуал тартибда);
- ўқувчилармазкуртушунчаларқандаймаъноанглатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилишиҳақидаёзма маълумот берадилар;
- белгиланганвақтякунигаетгачўқитувчиберилгантушунчаларнинг тугрива тулиқ изоҳиниуқибэшиттирадиёкислайдорқалинамойиш этади;
- ҳарбириштирокчиберилгантугрижавобларбиланўзинингшахсий муносабатинитаққослайди,фарқларинианиқлайдиваўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:**“Мавзугаоидтушунчалартаҳлили”

| Тушунча | Ҳал қилувчи куч | Самараси нимада аксэтади | Ёндашувни илгари сурганолимлар |
|---|---|---|---|
| | | | |
| ***Қиёсий диншунослик*** | | | |
| ***Виждонэркинлиги*** | | | |
| ***Динсоциологияси*** | | | |
| ***Тотем*** | | | |

**Изоҳ:**Бўшустунларгақатнашчилар томониданфикр билдирилади. Мазкуртушунчаларҳақидақўшимча маълумот глоссарийдакелтирилган.

**Методни амалгаошириш тартиби:**

ўқитувчимашғулотгақадармавзунингасосийтушунчаларимазмуни ёритилганинпут-матнни тарқатма ёкитақдимот кўринишида тайёрлайди;

янгимавзумоҳиятиниёритувчиматнтаълимолувчиларгатарқатилади ёкитақдимоткўринишиданамойишэтилади;

 таълимолувчилар индивидуалтарздаматнбилантанишибчиқиб,ўз шахсийқарашларинимахсус белгилароркалиифодалайдилар.Матнбилан ишлашда талабаларёкиқатнашчиларга қуйидагимахсус белгилардан фойдаланиш тавсияэтилади:

| **Белгилар** | **1-матн** | **2-матн** |
|---|---|---|
| *“V” –танишмаълумот.* | | |
| *“?” –мазкурмаълумотни тушунмадим,изоҳкерак* | | |
| *“+”бу маълумотмен учун янгилик* | | |
| *“–” бу фикрёкимазкурмаълумотга қаршиман?* | | |

Белгиланганвақт якунлангач, таълимолувчиларучуннотанишва тушунарсиз бўлган маълумотларўқитувчитомонидантаҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнингмоҳиятитўлиқёритилади. Саволларгажавоб берилади вамашғулот якунланади.

**“Бумеранг”технологияси**

**Мақсади:**ўқувчилардатезлик,ахборотлартизминитаҳлил қилиш, режалаштириш,прогнозлашкўникмаларинишакллантиришдан иборат. Мазкурметоднибаҳолашвамустаҳкамлашмаксадида қўллашсамарали натижаларниберади.

**Амалгаошириш босқичлари:**

1.Дастлаб иштирокчиларгабелгиланганмавзу юзасидантайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларниалоҳида-алоҳида берherbadiва уларданматериални 5дақика давомида синчиклабўрганишталабэтилади.

2.Навбатдаги босқичдатренер-ўқитувчи гуруҳаъзолариниўқилган

маълумотҳаққида фикралмашинишимконятиниберади.Бу вазифаучун5 дақиқа вақт берилади.

3.Навбатдаги босқичдатренер-ўқитувчи иштирокчиларгаучкишидан иборатбошқакичикгуруҳларгабирлаштирадивагуруҳаъзоларининг хар бири ўқиганмаълумот ҳаққида фикр алмашинишимконятини беради. Бу вазифа учун 10дақиқа вақтберилади.

4.Барча дастлабшакллангангурухларга иштирокчилар қайтади,вафикр алмашинганмаълумотюзасидан бошқагуруҳларгаберишучунсавол шакллантиради.

5.Ҳарбиргурухдан1кишисавол беради,ватўғрижавобучун1-3гача баллқўйилади.

6.Тренер-ўқитувчибарчагуруҳлартўплаган балларниумумлаштириб, ғолибгуруҳниэълонқилади.

7.Иштирокчиларга олганбаҳоларигақараб,уларнингмавзу бўйича ўзлаштириш даражаларианиқланади.

**“Бумеранг”технологиясиасосидавазифа:**Олинганматериални мазмунинитушуниболишга харакат килинг,сўнг гуруҳдамухокама қилинг

# III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-мавзу: “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги (2 соат)**

**Режа:**

1. Фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги .

***Таянч сўзлар***” предмети, мақсад ва вазифалари, назарий-концептуал асоси, манбашунослик, тарихшунослик,

**Фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.**

Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлиб, умумжахон тарихининг ажралмас қисми бўлиб келмокда, турли номлар билан аталиши, сулолаларнинг алмашинуви ва ўзгаришлари унинг бутунлигини ва мохиятини ўзгартирмайди. Ўзбек халқи Ўзбекистоннинг махаллий туб ахолиси бўлиб, уларнинг тарихи энг қадимги даврларга бориб тақалади.

Ўзбекистон худудида яшаган халқлар жахон цивилизацияга улкан ҳисса қўшиб келганлар. Дунёга кўплаб буюк сиймоларни етиштириб берган заминимизда  давлатчиликнинг турли босқичларини амалиётдан ўтказилиши бугунги кундаги мукаммал давлатчилик босқичига кўтарилиши учун хизмат қилди.

Давлатчилик масалалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, - “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон

цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув иншоотлари, шу кунгача файзини, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради”.

Шу нуқтаи назардан олганда ўзбек халқининг келиб чиқиши унинг давлатчилиги билан бевосита боғлиқ ва ҳар икки жараённинг юз бериши бир-бири билан чамбарчас ҳолда юз берган. Яъни ўзбек халқининг шаклланиши учун мазкур ҳудудга кириб келган ва таъсир ўтказган ўзга халқлар иштирокида эмас, балки шу заминда азалдан яшаб келаётган ва ўз давлатчилигига асос солган маҳаллий туб аҳоли асос бўлган. Бу жараёнда айниқса, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Тошкент ва Фарғонанинг қадимги аҳолиси катта ўрин тутган. Бу жараён айнан шу аҳоли томонидан юқорида айтиб ўтилган ҳудудларда ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудларидаги дастлабки давлатлар ва давлат уюшмаларининг ўзаро ва қўшни ҳудудий сиёсий бирлашмалар ҳамда давлатлар билан барча соҳадаги алоқалари, уларнинг тарихий географик ҳудудлари ва чегаралари ҳақидаги масалаларнинг ҳам бугунги тарих фанида ўзининг мукаммал илмий хулосаларига эга бўлиши, бунда қадимги ва ўрта асрларга хос тарихий ва географик манбаларнинг ўрганилиши ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўзбекдавлатчилигитарихифанинингянабирмуҳимвазифаси Ўзбекистонда илк шахар маданиятининг шакилланиши ва энг қадимги давлатчиликнинг келиб чиқишида азалий ўтроқ ахолининг маданияти ҳал этувчи омил бўлганлигини кўрсатиб беришдир.

1991 йил августдан бошлаб Республика мустақилликка эришгандан сўнг Ватан тарихини ҳар томонлама ўрганишга киришдик. Собиқ СССР давридаги дарсликлар қайтадан кўриб чиқилишига эришилди.

Бироқ ўзбек давлатчилиги тарихи муоммосини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳолда таъқиқ этиш фақат 1999 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “ Ўз.РФА тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ” қароридан сўнг бошланди. Бундан олдин (1998 йил 27 июн) Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А. Каримовнинг бир гурух тарихчи олимлар ва оммавий ахборат воситалари вакиллари билан учрашувида тарих фани борасида билдирилган истак ва таклифлари илмий ёндашувга асосланган ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи консенсиясининг ғоявий асосини ташкил этади. 2000 йилдан бошлаб тарихчи ва шу соҳага оид муаммолари ҳамкорлигида “Ўзбек давлатчилиги тарихи” деб аталган сўнги бронза (мил. 3-2 минг йилликлар) давридан ҳозирги давргача бўлган ўч минг йиллик даврини қамраб олувчи фундаментал тадқиқотларни яратишга киришилган.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишда назарий асосларини билиш катта аҳамиятга эга.

Илмийлик, ҳолислик, тарихийлик методлари ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишнинг калити ҳисобланади.

Биринчидан, Ўзбек давлатчилиги тарихини яхлит концепсиясини амалга ошириш учун бир бутун тарихий жараённи, нисбатан мустақил бўлган бўлакларга, яъни даврларга бўлиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш лозим. Мустақиллик йилларида тўпланган тарихий ҳужжатларни илмий асосда умумлаштиришдан иборат.

Иккинчидан, илмийлик билан бирга у ёки бу масалаларни воқеликларни ёритишда ҳолислик муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда ҳар бир тарихий ҳодисаларни таҳлил қилаётганда холис, ҳаққоний равишда ўрганиш. Яъни Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги воқеа ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича ёритиш кўзда тутилган.

Холислик талаб этадиган қоидалар шундан иборатки, ушбу йўналишда тарихий-маданий тараққиётни (тарихини турли даврларида) ўрганиш жараёнида бўлиб ўтган ёки шу тараққиёт билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир ўзгаришларсиз, қандай бўлиб ўтган бўлса ўша ҳолатда талқин ва таҳлил этиш, текшириш ва хулосалар чиқариб яхлит ҳолга келтириш ўта муҳимдир. Бу борада аниқ манбавий асосларга таяниишш тарихий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини асослаш лозим.

Учинчидан, Ўзбек давлатчилик тарихини ўрганишнинг методологик асосларидан яна бири бу воқеа ҳодисаларни диалектик тарзда ўраганишдир.

Диалектика, оламнинг яхлит, унда содир бўладиган ходисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади деб таълим беради. Бу метод давлатчилик тарихини ўрганишда уни тўлалигича, воқеа ҳодисаларни бир-бири билан боғлиқликда, айрим тарихий воқеаларни бир бутунликда ўрганишни тақозо қилади.

Воқеа ва ҳодисаларнинг турихини ўрганишда жаҳон халқлари тарихини билан боғлиқлигини назарда тутади. Чунки, энг қадимги даврлардан бошлаб яқин ўтмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув, эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон каби ҳудудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Тўртинчидан, Ўзбек давлатсилик тарихини ўрганишда тарихийлик методи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу метод давлатчилик тарихида содир бўлган воқеа ҳодисаларни ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа – ҳодиса билан бошқасини сабаб оқибатли боғланиши ҳам кўрсатилади. Бу метод воқеа ҳодисаларни қай тарзда содир бўлганини жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларни роли тўғрисида тўғри ҳаққоний фикр юритишга ўргатади. Халқни ўтмишига, ҳозирги замон ва келажагига ягона тарихий жараён сифатида қарашни талаб этади.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси асосида ўзбек давлатчилиги жараёнини босқичларга бўлиш ва уларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, кейинги йилларда чоп этилаётган илмий асарлар, тадқиқотлар,

давлатчилик масалаларига бағишланган илмий-назарий конференциялар материалларини ўрганиш ва уларни ягона тизимга солган ҳолда давлатчилик жараёни тарихини объектив ўрганиш ва тарихийлик ҳамда ҳаққонийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмийлик нуқтаи-назаридан хулосалар чиқариш талаб этилади. Айниқса, холислик тамойили илмий хулосалар чиқаришда муҳим омил саналгани боис, аниқ манбавий маълумотларга таяниб, тарихий жараёнларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослаш, тарихий жараёнларни ўзаро солиштириш ва таққослаш, қиёсий таҳлил ижобий натижаларга эришишда муҳим ўрин тутади. Бирор бир давр ёки шу даврдаги давлатчилик анъаналари ҳақида сўз юритилар экан, ана шу давр ва давлатчилик масалаларида мавжуд ҳолатларга хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда воқеликни англаш ва уни таҳлил қила билиш, кўрилаётган воқеалар ёки жараёнлар ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга катта ёрдам беради.

Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замоннинг келажагига ягона тарихий жараён сифатида, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қилади. Содир бўлган маданий-тарихий жараёнларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, уни чуқур англанса келажакни шунчалик ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

Тарихийлик ва илмийликнинг муҳим омилларидан яна бири шундаки, ўзбек давлатчилиги тарихи, ўзбек халқининг этногенези жараёнлари жаҳон мамлакатлари давлатчилиги амалиёти ва этник жараёнлари билан узвий равишда рўй берган ва унинг ажралмас бир бўлаги сифатида тараққиётга эришган. Шундай экан, ўзбек давлатчилиги тарихи тараққиётини ҳам жаҳон тараққиёти тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурий талаблардан биридир. Мавжуд маълумотларга асосан ўзбек халқи тарихида давлат тизимига ўтиш босқичлари, хусусан Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни босқичларидан келиб чиққан ҳолда илк ўрта асрлар давлатчилиги хусусиятларини қуйидагилар билан белгилаш мумкин:

1. Бу босқични умумий хусусиятларига кўра IX аср ўрталари – XIII аср биринчи чорагигача деб белгилаш мумкин.

2. Бу даврда Ўрта Осиёда ривожланган ерга эгалик муносабатларига асосланган давлатлар қарор топди.

3. Сомонийлар давлати Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида сиёсий бошқарувдаги мавжуд анаъналарни такомиллаштирди ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувини шакллантирди.

4. Қорахонийлар ва Хоразмшохлар давлатлари қарор топди ва маркази хозирги Ўзбекистон худудларида бўлган йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилди.

5. Марказий ва маҳаллий бошқарув такомиллашиб борди.

6. Ўғузлар ва қорахонийлар таъсирида ўзбек халқи шаклланиши ва этногенези босқичлари давом этди.

7. **Сиёсий жиҳатдан** бу давр Ўрта Осиёдаги дастлабки марказлашган давлат сифатида сиёсий бошқарувдаги мавжуд анаъналарнинг такомиллаштириши ва мураккаб тузилмага эга давлат бошқарувининг шаклланиши, йирик салтанатлар (империялар) даражасига кўтарилган туркий давлатларнинг қарор топиши ва бошқарув шакллари ҳамда марказлашиш жараёнларининг такомиллашиб бориши билан хусусиятланади.

8. **Иқтисодий жиҳатдан** ерга эгалик муносабатларининг кенгайиши ва мураккаблик касб этиши, солиқларнинг бир тизимига солиниши, халқаро савдода муомала даражасига кўтарилган пулларнинг зарб қилиниши, суғориш тармоқларининг кўпайиши, Буюк Ипак йўли фаолиятининг кенгайиши ва халқаро савдонинг тараққий этиши, иқтисодий марказларга даражасига етган шаҳарларнинг кўпайиши билан хусусиятланади.

## Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда фанлараро алоқадорлик

**Ўзбек давлатчилиги тарихи**

| | |
|---|---|
| **Ўзбекистон тарихи** | **Манбашунослик** |
| **Археология** | **Ёрдамчи тарих фанлари** |
| **Этногенез ва этник тарих** | **Сиёсатшунослик** |
| **Нумизматика** | **Иқтисодиёт назарияси** |

### 2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Давлатчилик тарихининг ўзига хос хусусияти, инсоният тарихида энг узоқ; давом этиншга қарамай, у ёзма манбалар орқали ёритилиганлигидир. Ўрта Осиё тарихига тегишли илк ёзма манбалар мил.ав. 1мингйилликнинг биринчи ярмига оиддир. Шунингучун, қадимги давр тарихининг асосий хусусиятларини археология очиб беради. Қадимги давр тарихига оид манбалар ниҳоятда турли-тумандир. Одамзотнинг узоқ ўтмишидан дарак берувчи асосий маълумотлар — моддий (ашёвий) манбалар бўлиб, уларнинг барчасини одамлар яратган ва улар инсон ҳаёти ва меҳнат фаолиятида муҳим ўрин топган. Моддий манбаларнингг кўпи ер остида археологик ёдгорликлар-нинг маданий қатламларида сақланади ва улар археологик қазув ишлари оркали топиб текширилади. Замонавий археология фани ҳозирда жуда ривожланиб бормокда. Ўлкамизда археологик қидирув ишлари катга ҳажмда олиб борилиб, у кишилик жамиятининг узоқ ўтмиш тарихини чуқур ўрганиш борасида улкан имкониятлар очиб бермокда.

Археология — кишилик узоқ ўтмишини ўрганувчи фан бўлиб, турли тарихий жараёнларни ўрганиш ва тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Тарихий жараёнлар ижгимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий воқеалардан иборатдир. Аммо, археология фани фақат ибтидоий даврнигина эмас, балки энг

қадимги давлатлар вужудга келиб ривожланган даврлар, Ўрта асрлар маданияти ва тарихини ҳам ўрганувчи фандир. Моддий ашёвий манбаларга тош, суяк, металлдан ишланган меҳнат ҳамда жанг куроллари, қулда ва чархда ясалган сопол идишлар, кулолчилик буюмлари - урчуқ боши, сопол чироқ ҳамда қадимий зеб-зийнатлар, санъат буюмлари, танга пуллар ва бошқа топилмалар киради. Улар тарихнинг турли даврларига оид моддий маданият буюмларидир. Қадимги ғор-маконлар ва турар жойлардаги маданий қатламлардан, шунингдек қадимги қабрлардан археологлар турли-туман
меҳнат куроллари, сопол ва металдан ясалган буюмларни топадилар. Уларнинг барчаси қадимги хўжаликнинг ривожланиш даражаси, ҳунармандчилик ва моддий маданият ҳақида хулосалар чиқариш имконини яратади.

Моддий маданият манбалари ёзма манбаларга нисбатан анча қадимийроқдир. Энг қадимги тарихий воқеалар кўпинча ёзма маълумотлар бўлмаган даврларга мансубдир. Қўшничилик жамияти тарихидаги охирги 5000-3000 йил қисмини ёзма манбалар билан бирга моддий манбалар орқал ўрганиш мумкин, аммо тарихнинг улкан қисмини фақат моддий археологик топилмалар орқалигина тиклаш мумкин.

Моддий маданиятнииинг ривожланиши ижгимоий, иқтиисодий ва маданий жараёнлар билан боғлик, бўлиб, турли географик ўлкаларда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Энг қадимги жамият тарихини рганишда археология фанини бошқа фанларсиз тасаввур қилиб булмайди. Археология билан бевосита бошланган фанлар - бирламчи давр геологияси, антропология ва этнографиядир. Этнография - турли халқларнинг келиб чиқиши ва шаклланиши, маданий-тарихий муносабатлари, урф-одатлари, турмуш тарзи, машғулоти, моддий ва маънавий маданиятини ўрганади. Китобхонлар эътиборини шунга жалб қилмок; керакки, илмий адабиётлар ва ўқув қўлланмаларда турли хил махсус тушунчалар кенг қўлланилади. Жумладан: «моддий манбалар», «моддий маданият», «табиий манбалар», «маданий қатлам», «археологик ёдгорликлар» ва бошқалар. Ташқи кўринишида «манба» ва «ёдгорлик» сўзлари бир умумий маънони билдирувчи сўзларга ўхшайди.

Аммо, «модций манба», биринчи навбатда, инсон томонидан яратилган буюмлар ва нарсаларни тушунтиради (қуроллар, сопол идишлар,
зеб-зийнатлар, яроғ-аслаҳалар ва ҳаказо).

Энг қадимги ёзма манбалардан бири “Авесто” бўлиб, қадимги чорвадорлар ва зироатчилар жамияти ҳақидаги маълумотлар, сиёсий жараёнлар ва ғоялар, қабилалар ўртасидаги кураш ва тинимсиз босқинлар, ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурияти, кучли хокимият ғояси, марказлашган давлат ва бошқарув, кучли сиёсий бирлашмани яратишга даъват, қадимги форс ёзувларининг маълумотлари келтириб ўтилади.

Юнон тарихчилари Гекатей, Геродот, Ктесий асарларида хабарлар акс эттирилган адабиётларда Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши сабаблари ва омиллари ёритилган. Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлат тузулмалари тўғрисидаги қадимий ёзма тарихимизнинг энг ноёб манбаси ҳисобланган “Авесто” китоби қадимшунос олимларнинг ўлкамизнинг турли ҳудудларига олиб борилган қидирув ишлари, уларнинг муҳим натижалари, муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, Қадимги Юнон, Рим ва эрон манбалари асосида аниқ фикрларни келтирса бўлади. Улардан Герадод, Полибий, Ктесий, Страбон, Арриан кабиларни асарлари, форсий миххат ёзувлари.

Фаннинг манбашунослиги ҳақида фикр-мулоҳаза юритилар экан, давлатчилик тарихи узоқ ўтмишига бориб тақалиши, улар тарихига оид маълумотлар, қадимги афсона, ривоят ва достон, диний-мистик асарларга оид манбаларда акс этганлиги шунингдек, зардўштларнинг муқаддас китоби “Авесто”, халқ достонлари “Алпомиш” ва “Гўрўғли”, қирғиз халқ эпоси “Манас”, тожик халқ достони “Паҳлавон Рустам” кабилардаги қимматли маълумотлар мавжудлиги баён қилинган.

Ўрта аср муаллифларидан Кайковуснинг “Қобусномa”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, Умар Ҳайёмнинг “Наврўзнома”, “Алишер Навоийнинг “Хамса”, Заҳириддин

Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Биргина Бухоро амирлигида яшаб ижод этган мутафаккирлар орасида ўзининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, билимлари билан ўз замонасининг илғор кишиларидан саналган Муҳаммад Вафо Карминагий («Туҳфайи хоний»), Мирза Салимбек («Тарихи Салимий»), Муҳаммад Шариф («Тож ут-таворих»), Муҳаммад Мир Олим Бухорий («Фатҳномаи султоний»), Мирзо Абдулазим Сомий («Манғит хонлари тарихи»), Муҳаммад Нақий («Тож ут-таворих»), Саййид Муҳаммад Носир Бухорий («Туҳфат аз-зоирин»), Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф («Тарихи амири Ҳайдар»), Муҳаммад Ёқуб («Гулшан ул-мулук»), Садриддин Айний («Тарихи инқилоби Бухоро»), Очилди Мурод Мирий («Махазин ат-таква»), Мирзо Содиқ Мунший («Тарихи манзум»), Мирзо Сирож («Туҳфаи аҳли Бухоро»), Аҳмад Дониш («Таржимаи аҳволи амирони Бухоро»), Мулла Икром («Ифоз ал ноимин ва эълом ал-жоҳилин»), Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев каби маърифатпарварларнинг давлат бошлиғи, давлатни бошқариш, ҳокимият масаласида ҳам ўзларининг илғор сиёсий-ҳуқуқий қарашлари биз учун муҳим манбалар ҳисобланган. Шу билан бирга, юқорида номи келтирилган кўпчилик мутафаккирларнинг илмий мероси собиқ шўро тузуми даврида асоссиз равишда унутилган ва деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки, мазкур мутафаккирлар ўз даврида халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурини бойитишга беқиёс ҳисса қўшганлар.

Манбаларнинг иккинчи гуруҳига “Туркистон тўплами”нинг кўплаб сонларида давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикрлар билдирилади.

Фаннинг тарихшунослигини тўрт гуруҳга бўлиб ўрганиш асосида яъни далатчилик тарихини акс этиши дастлаб XIX аср охири-XX аср бошларида ёзилган мақолалар ва тарихий асарларда кўплаб учрайди.

2. Совет даврида халқ ўйинлари ҳақида ёзилган тадқиқотлар доираси кенглиги, жиддий илмий тадқиқотлар. Совет хокимияти даврида ёзилган

асарлар мафкуравий чекланганлиги, шунга қарамай, уларда давлатчилик тарихига оид тегишли маълумотлар келтирилганлиги эътиборга лойиқ.

3. Истиқлол йилларида мавзунинг тадқиқот доираси кенгайиб, бир қатор илмий тадқиқотлар қилинди. Айниқса Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е., Сагдуллаев А., Мавлонов У., Эшов Б, Абдуллаев У. лар томонидан яратилган илмий ишлари, дарслик, ўқув қўлланмаларини ҳам мисол қилиш мумкин. Шунингдек, археолог Я. Ғуломов, С. Толстов, В. Массон, А. Асқаров, А. Сагдуллаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга моликдир.

**Назорат учун саволлар**

1. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг предмети ва долзарб муаммолари ҳақида маълумотлар беринг.
2. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг мақсади ва вазифалари ҳақида маълумотлар беринг.
3. Ўзбек давлатчилиги тарихи фанининг назарий-методологик асослари ҳақида мисоллар келтиринг.
4. Давлатчилик тарихи ўрганишдаги муҳим манбалар қайсилар?
5. Ўзбек давлатчилиги тарихшунослиги ҳақида гапириб беринг?

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

6. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
7. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.

## IV. Интернет сайтлар

1. ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлиги: www.edu.uz.
2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uzwww. Ziyonet. uz

## 2-мавзу: Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар. (2 соат)

**Режа:**

1. Давлатчилик тушунчаси.
2.Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.
3. “Авесто” ўзбек давлатчилик тарихи бўйича тарихий манба сифатида.

***Таянч сузлар:***Илк давлат-тузуми, Ишлаб чиқариш хўжалигига, цивилизация, бошқарувнинг шаклланиши, ”Авесто”, Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бактрия, Аҳмонийлар, чекланмаган подшо ҳокимияти, мутлоқ монархия, Сатрапликлар, Александрнинг бошқарув фаолияти, юнон-бактрия давлати, Кушон давлати, Қанғ давлати.

### 1. Давлатчилик тушунчаси.

Давлат тушунчасининг нима эканлигини ва унинг моҳиятини тушуниб етиш учун аввалимбор жамият, фуқаролик жамияти тушунчаларини билиб олиш керак бўлади.

Демак, жамият нима?

Бу кишилар мажмуаси бўлиб, улар муайян эҳтиёж ва муайян манфаатларига кўра бирлашиши натижасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. «Жамият инсонсиз бўлиши мумкин эмас. Инсоният жамиятнинг тузилишида ва унинг ривожида асосий ролни ўйнайди. Жамият инсонларнинг бир-бирлари билан жамоа бўлиб яшашга табиий эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган»\ Жамият бирлашишга мойил бўлган гуруҳлар, синфлар, қатламлардан иборат. Оила, уруғ, қабила ва миллат каби давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий элементидир. У жамиятда асосан, сиёсий фунцияларни бажаради. Жамият ва давлат тушунчалари фалсафий катсгория бўлиб, улар асло бир нарса эмас. «Жамият» тушунчаси «давлат» тушунчасига қараганда кенгроқдир.

Жамиятнинг яна бир кўриниши мавжуд бўлиб, биз уни фуқаролик жамияти деб атаймиз. Фуқаролик жамияти юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлган фуқаролардан иборат бўлган жамиятдир. Фуқаролик жамияти нафақат давлатнинг кучи билан, балки унинг аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ўзлари орқали сақлаб туриладиган ва қатъий тартиб қарор топган жамиятдир. Фуқаролик жамиятига давлатнинг кучли таъсири талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлиши керак, чунки давлат — фуқаролик жамиятининг «ёлланма хизматкори».

«Жамият» — нисбатан кенг тушунча. Давлат унинг ичида мавжуд бўлади. Давлат ҳуқуқни келтириб чиқаради, аммо ҳуқуқ ҳам давлатни шакллантиради ва йўналтиради. Жамият давлат ва ҳуқуқ таъсирида у ёки бу томонга ўзгаради. Ҳуқуқ ҳамма учун мажбурий бўлиб, давлат учун ҳам, жамият аъзолари учун ҳам муҳимдир.

Давлатдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар қанчалик мукаммал боиса, жамият ва давлатнинг фунциялари (вазифалари) шунчалик аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат уйғун муносабатга эга.

Жамият ўзининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига оид кўплаб муаммоларни давлатнинг ёрдамисиз (ва аралашувисиз) ҳал қилади.

Ҳуқуқий давлат жамиятнинг ўзи эплайдиган масалаларда фуқаролик

жамияти (ва унинг айрим аъзолари)га васийлик қилиши шарт эмас.

Фуқаролик жамияти ўзини-ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлат сиёсатига, ундаги ҳуқуқий тизимга ҳал қилувчи таъсир ўтказа олади.

«Демократик жамият — бу. Энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллат-лараро, давлал ва ижтимоий-сиёсий мимосабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлал ҳокимияти тинч-тотув яшайди»

*Давлатнинг белгилари.*

• давлат ўз давлат чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамиятнинг, бутун аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;

• давлат — суверен ҳокимиятнинг ягона соҳибидир;

• давлат юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқариладиган ҳужжатларни қабул қилади;

• давлат ўз вазифалари ва фунцияларини бажариш учун зарур бўлган давлат органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат мураккаб механизм (маҳкама)дир;

• давлат — қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот поспони боишга махсус даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари (суд, прокуратура, милитсия, политсия ва ҳк.)га эга бўлган ягона ташкилот;

• фақат давлатгина ўз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўла олади.

*Давлатнинг фунциялари*

• Давлатнинг фунциялари ички ва ташқи фунцияларга бўлинади. Давлатнинг ички фунциялари мамлакат ички ҳаётини бошқаришга қаратиъган фаолиятининг асосий йўналишларидир.

• *Ички фунцияларига қийидагилар киради:*

• регулятив (тартибга солиш, бошқариш);

• қўриқлаш (сақлаш, муҳофаза қилиш).

• 1. Регулятив фунция давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўрнирии белгилайди:

• *I) иқтисодий:*

• - иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва жамият иқтисодий ҳаётига таъсир этиш;

• иқтисодиётнинг давлат секторини бошқариш;

• бозор муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўрнатиш ва нарх-наво сиёсатини белгилаш;

• *2) ижтимоий:*

• ижтимоий бойликни тақсимлаш;

• аҳолининг энг кам муҳофазаланган қисмини (ногиронлар, кўп болали оилалар, ишсизлар) ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти кабиларни ташкил этиш;

• соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш, жамоат транспортини ташкил этиш, уй-жой қуриш ва ҳк.

• *3) сиёсий:*

• фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш;

• қонунийликни ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш;

• барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш:

• *4) маънавий:*

• санъатни қўллаб-қувватлаш;

• миллий маданиятни ривожлантириш;

• жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги тўғрисида ғам-хўрлик қилиш;

• *5) молиявий:*

-солиқ тўплаш;

• божхона назорати;

• бевосита молиявий назоратнинг ўзи.

• 2. Қўриқлаш фунцияси давлатнинг ҳуқуқ билан мустаҳкам-ланган ва лартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги фаолиятини тақозо этади;

• фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш;

• табиатни муҳофаза қилиш;

• барча шакллардаги мулкларни ҳимоя қилиш;

• ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

*Ташқи фунциялар*

• Халқаро ҳамкорлик: ташқи сиёсий фаолият; ташқи иқтисодий фаолият.

• Мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш.

• Халқаро ҳамкорлик ҳар қандай давлат учун ҳаётий заруратдир. Ер юзида ҳозир 200 дан ортиқ давлат бор. Уларнинг ҳар бири меъёрда ҳаёт кечириш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади.

• Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этувчи умумеътироф этган принсип ва қоидаларнинг бутун бошли мажмуасини ишлаб чиққан. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ана шу принсиплар асосида амалга оширилади.

• Суверен давлат бўлган Ўзбекистонистон Республикаси жаҳондаги барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилмокда, кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, энг нуфузли халқаро ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир.

• Давлатнинг мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш фунциясини, энг аввало, мамлакатнинг Қуролли Кучлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати бажаради.

Давлат тузилиши

• *Давлат тузилиши* шакли унинг маъмурий-ҳудудий ташкил этилишидир. Давлат тузилиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади:

• -оддий (унитар);

• -мураккаб (федератив ва конфедератив).

• Унитар давлат — бу оддий, яхлит давлат. Бундай давлат вилоят, област, округ, воеводство, район, туман деб турлича номланадиган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Бундай давлатда битта парламент, битта ҳукумат, битта президент бўлади. Унитар давлат одатда бир миллатли бўлади.

• Унитар давлат белгилари қуйидагилардан иборат:

• бутун мамлакат миқёсида бир хил бўлган вакиллик, ижроия ва суд органлари бўлади;

• битта конститутция; ягона қонунчилик тизими;

• ягона фуқаролик;

• ягона пул бирлиги;

• барча маъмурий-ҳудудий бирликлар учун умумий бўлган солиқ ва крсдит сиёсати;

• унитар давлатлар таркибий қисмлари суверенитетга эга эмас (яъни тор маънодаги давлатлар эмас);

• ягона армия мавжудлиги.

## 2. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.

Ўзбек давлатчилик тарихини ўрганишнинг методологик асосларидан яна бири бу воқеа ҳодисаларни диалектик тарзда ўраганишдир.

Диалектика, оламнинг яхлит, унда содир бўладиган ходисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланишда узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади деб таълим беради. Бу метод давлатчилик тарихини ўрганишда уни тўлалигича, воқеа ҳодисаларни бир-бири билан боғлиқликда, айрим тарихий воқеаларни бир бутунликда ўрганишни тақозо қилади.

Воқеа ва ҳодисаларнинг турихини ўрганишда жаҳон халқлари тарихини билан боғлиқлигини назарда тутади. Чунки, энг қадимги даврлардан бошлаб яқин ўтмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув, эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон  каби ҳудудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Ўзбек давлатчилик тарихини ўрганишда тарихийлик методи билан цивилизацион ёндошув ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу метод давлатчилик тарихида содир бўлган воқеа ҳодисаларни ўрганишда кетма-кетликни талаб қилади. Бир воқеа –ҳодиса билан бошқасини сабаб оқибатли боғланиши ҳам кўрсатилади. Бу метод воқеа ҳодисаларни қай тарзда содир бўлганини жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларни роли тўғрисида тўғри ҳаққоний фикр юритишга ўргатади. Халқни ўтмишига, ҳозирги замон ва келажагига ягона тарихий жараён сифатида қарашни талаб этади.

Дарҳақиқат, хар бир хақл ўзи босиб ўтган ҳақиқий тарихини билмай туриб ўзликни англаш мумкин эмас.

Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўзбек халқининг тарихий ўтмиши маънавияти ҳақида гап кетганда шуни алоҳида эслаб ўтиш жоизки, Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? хақли савол ўртага ташланган эди.

Биринчи президент И.А. Каримов ушбу муаммони ўртага ташлар экан, ҳозирги даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган илмий тадқиқотларни яратиш лозим деган аниқ вазифани қўйди.

Зеро, давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тараққиёт йўлини ўрганиш бугунги кунда энг долзарб илмий-амалий масалалардан бири бўлиб қолмокда. Марказий Осиё ҳудудлари, жумладан Ўзбекистон ҳудудлари дунёнинг энг қадимги одамлар яшаган маконлардан биридир. Бу ҳудудларда одамлар қачондан бошлаб яшай бошланган деган саволга бир қанча жавоблар берилади. Баъзилар дастлабки одамларнинг излари бундан 500 минг йил илгари топилган дейишса, бошқалар 800 минг йил илгари яшаган дейдилар. Фарғона водийсида Селунғур ғоридан палеолит даврига оид одам қолдиқлари топилгандан кейин бу ҳудудларда қадимги аждодларимиз 1 миллион йилдан ҳам илгарироқ яшаганликлари исботланди.

Умуман Ўзбекистон ҳудудлари дунё цивилизация ўчоқларидан бири бўлганлиги шубхасиздир. Марказий Осиёнинг қулай географик тузилиши,

иқлим шароитлари бу ҳудудда яшаш учун ғоят қулай шароит яратган.

Ўзбекистон ҳудудларидан жуда кўплаб қадимги даврга оид археологик ёдгорликлар топилган. Бу ёдгорликлардан қазиб олинган моддий ашёлар қадимги аждодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши ҳақида бой ма`лумотлар беради. Археологик манбалар тахлили хулосасига кўра Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги аждодларимиз асосан дарё буйи манзилгоҳларида яшаганлар. Овчилик, термачилик билан бир қаторда хунармандчилик билан тўла-тўкис вужудга келди. Дарё бўйларида ёки водийликдаги текис деҳқончиликка қулай ерларда деҳқончилик маданияти ривожланган.Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка ўтиш Ўзбекистон ҳудудларида эрамиздан аввалги 3 минг йилликларда пайдо бўлди. Деҳқончиликнинг ривожланиши одамларнинг ўтроқ хаёт кечириши жараёнини кучайтиради. Бу хол маданиятнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларининг тезкорлик билан ривожланишига олиб келди. Энди қадимги аждодларимиз уруғ жамоаси асослари бўйича эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари асосида гуруҳлашиб яшаганлар. Маълум манзилгоҳларда патриархал тизим асосида юздан ортиқ оилалар бирлашганлар ва бу оила жамоани бошқариш улар орасидан сайланган оқсоқол ихтиёрида бўлган. Энг қадимги ёзма ёдгорлик бўлмиш “Авесто”да оқсоқоллар кенгаши Нманапати номи билан қайд қилинган. Бу катта оила бошлиғи деган маънони билдиради. Оқсоқоллар кенгаши катта кучга эга бо`лган. Уларнинг қўлида диний ва дунёвий ҳокимият бирлашган. Синфий табақаланиш жараёни кучайган сари жамиятни бошқариш оғирлашиб борган.

Эрамиздан аввалги 1-минг йилликларга келганда ибтидоий жамоа тузуми ўзининг охирги босқичини ўтаётган эди. Темирнинг кашф қилиниши ибтидоий жамоа тузумини бузуб юборди. У деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланишига та`сир кўрсатди, чорвачилик деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқди. Хунармандчиликнинг ривожланиши боис илк шаҳарсозлик маданияти белгилари – бозорлар пайдо бўлиб кенг кўламли мол айирбошлаш кучайди. Натижада Ўрта Осиёда илк шаҳар

давлатлар вужудга келди. Шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан хунармандчилик ва бинокорлик хам тараққий эта бошлади. Шаҳар давлатларда савдо-сотиқ, мол айирбошлаш жароёнлари табора бошланиб ривожланиб, кенгайиб борди.

### 3. “Авесто” ўзбек давлатчилик тарихи бўйича тарихий манба сифатида.

Ўзбекистон ҳудудларидаги бронза ва темир давридаги ёдгорликлари комплексларини о`рганиш бу ҳудудда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксак даражада тараққий этганини ва бу ерда қадим даврларданоқ синфий жамият шакллана бошлаганини кўрсатади. Шуни қайд этиб отмоқ жоизки, Марказий Осиёдаги қулдорлик жамияти икки дарё оралиғи ва Мисрдаги қулдорлик сингари тараққий этмаган. Бу ерда қулчилик уклад сифатида мавжуд бўлсада, жамоа мавқеи катта бо`лганлигидан у тараққиётнинг юқори чуққисига кўтарила олмаган. Шу боис, Марказий Осиёдаги қулчилик “Осиёча ишлаб чиқариш усули” деб талқин қилинган. Марказий Осиёнинг ўзига хос табиий, географик ва хўжалик иқтисодий шароитлари хусусан, бу ерда суғорма деҳқончилик маданиятининг устунлиги қуллар меҳнатига нисбатан деҳқонлар меҳнатини устунроқ мавқеда бўлишини таъминлади. Маълумки, меҳнат қуролларининг такомиллашиши натижасида ерга ишлов бериш яхшиланиб, экин майдонлари кенгайиб, одамларнинг меҳнати унумлироқ бўлиб қолди, ундан ясалган меҳнат қуроллари қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилигининг тез ўсишига олиб келди. Дарёларни тўсиб тўғонлар қуриб, каналлар қазиб, ерларга сув чиқариш имконияти кенгайди.

Ўргатилган ишчи ҳайвонлари қўшилган темир тишли омочлар билан ерни ҳайдашнинг ўзлаштирилиши, ҳосилдорликни ошишини, кўпроқ маҳсулотлар етиштиришни таъминлади. Булар инсонларни бир мунча яхши яшаш олиб келди. Уруғчилик муносабатлар ўзгариб, икки уруғ аъзоларидан ташкил топган эр-хотин жуфт оилалар ривожланди. Бир неча жуфт оилалар уюшиб, катта патрихал оилалар уруғ жамоасидан ажралиб чиқди, уларга уруғ жамоаларига қарашли ерлардан чек ерлар ажратиб берилди. Шу тариқа уруғ

жамоасининг умумий хўжалиги оилалар жамоасига бўлинди. Бундай оилалар жамоаси ишлаб чиқариш жамоалари деб ҳам аталди. “Авесто”да таъкидланишича, катта патриархал оила-“нмана”, яна бир неча “нмана”ларнинг бирлашуви-уруғ жамоаси-“вис”ни ташкил этган. Маълум ҳудуддаги қўшни “вис”ларнинг бирикувидан ҳудудий қўшничилик жамоаси-“варзана”, яна бир неча “варзана”лар жамоасининг уюшувидан қабила-“занту” ташкил топади. Бир неча қабилаларнинг бирлашуви натижасида қабилалар иттифоқи-“дахю” вужудга келган. Археолог олим А. Асқаров томонидан топиб ўрганилган Шеробод чўлидаги Сополлитепада бу ҳолатни айнан кузатиш мумкин. Бу ерда ўтроқ деҳқончилик хўжалиги асосида ташкил топган 8 та катта оила жамоасининг қишлоғи, уларни бирлаштирган омил уруғчилик иплари эмас, балки биринчи навбатда ишлаб чиқариш бўлган. Ана шу 8 та катта оила таркибида патриархал тизими асосида қурилган 100 дан ортиқ жуфт оилалар бўлган.

Катта оила жамоасини бошқариш иши улар орасидан сайланган оқсоқол-“нманапати” қўлида бўлган. Демак, Сополлитепада 8 та оқсоқол бўлиб, уларни бирлаштирувчи оқсоқоллар кенгаши бўлган.

“Авесто”да айтилганидек, “нмана”-катта оила жамоаси, “нманапати”-катта оила бошлиғи. Агар шу тизмидан келиб чиққандиган бўлсак, Сополлитепа қишлоғи аҳолиси 8 та “нмана”дан ташкил топган. “Вис” –уруғ жамоаси “виспати” эса ана шу “нмана”ларни бирлаштирган оқсоқоллар кенгашининг бошлиғи, уруғ оқсоқоли, катта қишлоқларнинг бошлиғи. Демак, ишлаб чиқариш жамоаларини бошқариш мўътабар зотлар-оқсоқоллар қўлида бўлиб, улар жамоа ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча ишларни оқсоқоллар кенгаши орқали ҳал қилганлар.

Оқсоқоллар кенгаши қўлида диний ва дунёвий ҳокимият жамланган бўлиб, у жамоанинг кундалик фаолиятидаги хўжалик масалаларини ҳал қилган.

Катта оила жамоасининг оқсоқоли бир вақтнинг ўзида ўзининг оила жамоаси учун диний ва дунёвий бошлиқ, пиру устоз ва мураббий бўлган.

Уруғ-қишлоқ оқсоқоли эса оқсоқоллар кенгашининг бошлиғи сифатида

бутун қишлоқ аҳлини ҳам бошлиғи ҳисобланган. Мўътабар шахсларнинг топширик ва буйруқлари жамоа аъзолари учун мажбурий бўлган.

Ишлаб чиқариш жамоалари таркибини ташкил этган ҳар бир оила ўз хусусий мулкига эга бўлган. Хусусий мулк келиб чиқиши, жамоаларнинг ишлаб чиқариш қонун қоидалари асосида ташкил топиши ўз навбатида мулкий табақаланишни келтириб чиқарди.

Бойлик аввало жамоа оқсоқоллари , ҳарбий бошлиқлар, мўътабар шахслар қўлида тўпланиб боради. Улар ҳосилдор ерларни эгаллайдилар ва кўплаб чорва молларига эга бўлиб, жамоани бошқарганлиги учун ҳам катта улуш олганлар. Оқсоқоллар ўз истеъмолларидан ортиқ қолган маҳсулотларни, мис, олтин, кумуш буюмларга айрибош қилганлар. Қабилалар ўртасида ҳосилдор ва яйловлар учун, чорва моллари учун урушлар келиб чиққан. Урушда қўлга тушган ўлжаларни кўп қисмини йўлбошилар ва оқсоқолларга берилган ва улар жамиятда катта мулкка эга бўлиб, уларни задогонлар деб аташган.

Ишлаб чиқариш жамоаларининг пайдо бўлиши аста –секин ортиқча маҳсулотларни айрибошлашни ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотини келтириб чиқарди. Жамоа аъзоларидан ишлаб чиқаришнинг ўзларига кулай соҳаларини талаб олдилар. Шу тариқа деҳқончиликдан чорвачилик, кейинроқ ҳунармандчилик ажралиб чиққан. Улар ўртасида ўзаро айрибошлаш бозорларни келтириб чиқарди. Датлабки шаҳарлар пайдо бўлди. Археологлар (Афросиёб) Самарқанднинг шарқий қисми, Ерқўрғон ва Узурқир (Қашқадарё водийси), Кўзалақир (Хоразм), Қизилтепа (Сурхондарё ) ва бошқа қадимий шаҳарларни ўрганишган. Қадимий шаҳарлар мудофаа деворлари билан ўралган, уларда саройлар, қалъалар, ҳунармандчилик устахоналар ,бозорлар бўлган. Уни шаҳар бошлиқлари –ҳокимлар бошқарган. Шу тариқа жамиятда синфий табақаланиш авж олди. Камбағал ва бойларга ажралиб кетди. Узоқ давом этган бу жараён ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам давлатларни ташкил топиши учун шарт шароитларни тайёрлади. Ўрта Осиё ҳудудидаги илк давлат тузулмалари тўғрисидаги қадимий ёзма тарихимизнинг энг ноёб манбаси ҳисобланган “Авесто” китоби қадимшунос олимларнинг ўлкамизнинг турли

ҳудудларига олиб борилган қидирув ишлари, уларнинг муҳим натижалари, муҳим манба ҳисобланади.

**4. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва унда бошқарув тизими.**

Ўзбек халқи давлатчилиги яни жамият ҳаётини бошқариш тамойилларига асосланган дастлабки сиёсий тузулмалар ўтроқ , сунъий суғориш деҳқончилик ва чорвачилик заминида бронза давридаёқ Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида вужудга кела бошлаган. Унинг тадрижий давомида мил. ав 1 минг йиллик бошларида аниқроғи VIII-VII асрларда Ватанимиз ҳудудларида "Катта Хоразм", "Бақтрия", "Сўғдиёна" номи билан машҳур бўлган дастлабки давлатлар барпо бўлган.

Хоразм давлати эгаллаган ҳудуд, ҳозирги Хоразм ерлари билан чегараланиб қолмай, балки ундан анча жанубига (Марв, Туркманистон , Хирот (Афғонистон шимолий) атрофларигача ёйилган.

Мил. ав сўнги минг йилликнинг бошларига тегишли Амиробод маданияти, Қуйи Амударё ҳавзасида юзага келган ўзига ҳос сунъий суғориш иншоати ҳамда дастлабки шаҳарозлик тимсоли бўлган шаҳар , қалъалар – Қалъалалиқир, Кўзалиқир ва бошқалар булар Хоразм воҳасидан давлат тузилмалари мавжудлигидан далолат беради.

Негаки, бу сингари умумелатлар, қавм-қабилар манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ўзгаришлар давлат бошқаруви йўли билангина амалга ошириши мумкин бўлади. Қадимшунос олим Я. Ғуломов томонидан аниқланган 200 км узунликдаги эни бир неча ўнлаб метрдан иборат бўлган канал ўзани обод деҳқончилик маданияти Хоразм давлати қадимдан инсониятнинг йирик маданий масканларидан бири сифатида шуҳрат топганлигидан гувоҳлик беради.

Герадод маълумотига қадимда Окс (Амударё) дарёси бўйлаб 360дан зиёд сунъий суғориш каналлари сув иншоатлари барпо этилиб чўлли, саҳро ерларга сув чиқарилиб деҳқончилик учун экин майдонлари кенгайтириб борилган. Герадод Хоразмга мева сабазвотнинг , ғаллани барча турларини етиштирадиган ўлка деб қайд этган. Бу кўҳна ҳудуд бағрида минг йиллар

давмомида сақланиб келаётган кўплаб асори-атиқлар сақланиб ётганлигини эслатиб ўтган.

Афсуски, Хоразм давлатида ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида маълумотлар ҳозирча аниқ эмас. Баъзи бир таҳминларга қараганда, Хоразмнинг сиёсий сулоласи Сиёвушонлар сулоласи бўлганлигини зикр этадилар.

Ўзбек давлатчилигининг яна бир асоси – Бақтрия подшолигидир. Унинг таркигида Ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон жануби, Афғонистоннинг шимолий –шарқий қисми, Сўғдиёна ва Марғиёна ерлари кирган.

Рим тарихчиси Курций Руфнинг фикрича, “Бақтра дарёси номидан шаҳар, вилоятнинг номи чиққан”.

Бинобарин, “Бақтрияликлар“ жуда қадим манбаларда тилга олиниб, бир неча қабилаларни бирлаштирган тушунчани англатади.

Ктесий маълумотига кўра, бу ўлка оби-ҳаётга мўл-кўллиги унумдор ерлари кўп бўлганлигидан, бу ҳудудда деҳқончилик маданияти тараққиё топган, аҳоли боғдорчилик , мевачилик маҳсулотлари етиштиришда омилкор бўлган.

Қашқадарё воҳасининг мил. ав VIII-VII асрларига оид Сангиртепа, Узунқир, Ерқўрғон, Зарафшон водийсида Афросиёб, Кўктепа сингари маконларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жойларда ўтроқ турмуш кечирган қавм, элатлар деҳқончилик билан фаол шуғулланганлар.

Юнон тарихчиси Ктесий ва Герададларнинг берган маълумотларига Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик ривожланган давлатлардан бири бўлиб, бу ўлка битмас-тугамас бойликлар макони деган эдилар.

Шундай қилиб, юқоридаги келтирилган фикрлар шундан далолат берадики, қадимги ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасининг муҳим жиҳатлари, намуналари сифатида алоҳида қимматга эгадир.

Тарихий манбалар шуни кўрсатдики, давлатчилик жамиятининг ичида ўз ички қонуниятлари ичида асосида пайдо бўлди, ривожланади яъни давлат тузуммаси ташқаридан тайёр ҳолда кўчирилмайди, маълум жамият бағрида туғилади. Ўзбек давлатчилик тараққиёти ҳам бундан мустасно эмас .

Ўзбекистонда “Воҳа давлатчилиги”, “Шаҳар давлатлар”, Месопотамия, Миср, Хитой, Мезоамерикадаги “нома” давлатчилиги каби илк сивилизатсия белгилари пайдо бўлди ва ривожланди. Шулар асосида мил. ав VIII-VII асрларда Бақтрия подшолиги ва “Катта Хоразм” давлатлари шаклланди.

Мил. ав. VI асрнинг бошларида Парфия давлати вужудга келади. Тадқиқотчиларнинг маълумотига кўра, “Қорақум - Парфия давлатининг бешигидир”.

У мил. ав. 247 йилда Аршак бошчилигида Нисо (Туркманистон) шаҳрини эгаллаб ўзини подшо деб эълон қилади.

Мил. ав. 235 йил ўз ерларини кенгайтириб, беш аср давомида Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Хитойнинг ғарб мамлакатлари билан савдо ишларида воситачи бўлган.

Юнон Бақтрия –салавкийлардан ажралиб, алоҳида давлат бўлишида Бақтрия аҳолиси томонидан қўлланиб ҳокимият тепаига келган Диодот бошчилик қилган. У мил. ав. 256-242 ва 246-245 йилларни айтадилар. (Евтидем, Деметрий, Евкратид каби ҳокимлар) Ҳиндистоннинг шимолий – ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги ерларни ҳам қўшиб олди. Уни гуллаб яшнаган даври мил. авIII минг йилликнинг II ярми ва мил. ав. II асрнинг I ярмига тўғри келади. Бу даврга оид Жондавлаттепа, Далварзин (пастки қатламлар) , Ойхоним, Қорабоғтепа, Кампиртепадан топилган жуда бой топилмалар шундай далолат берадики, бу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон – Бақтрия давлати марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат биринчи Вилоятларга бўлинган бўлиб бу вилоят ҳокимлари подшоҳа бўйсунар эди.

Бу давлат 250-130 йилларда жуда гуллаб яшнаган бўлиб, мил. ав. II асрининг иккинчи ярмига келиб, кўчманчилар зарбалари остида инқирозга учради.

## Назорат учун саволлар

1. Ўрта Осиё ҳудудида илк давлат-тузумининг қачон вужудга келишди ва ташкил топиши жараёнини гапириб беринг.

2. Ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш нима?

3. Юртимизда деҳқончилик тараққиёти қандай кечган?

4. Илк цивилизациянинг шаклланиши ва унинг ўзига хос қиёфаси ҳақида нималарни биласиз?

5. Давлат ташкил топиши жараёнида бошқарувнинг шаклланишини гапириб беринг.

6. ”Авесто” ўзбек давлатчилик тарихи бўйича тарихий манба сифатида.

7. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия ва унда бошқарув тизими.

8. Ўзбекистон худудида ривож топган илк давлатлар-подшоликларда Сатраплик бошқарув тизими.

9. Александрнинг бошқарув фаолияти; юнон-бактрия давлат бошқарув тартиби ва давлат тузими қандай бўлган?

10. Кушон ва Қанғ давлати бошқарув тизими қандай бўлган?

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент-1992.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т., 1996.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

6. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

7. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.

8. Муртазаева Р ва б. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т., 2003, 2005.

9. Усмонов Қ ва б. Ўзбекистон тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т., Молия-иқтисод. 2006.

10.Ғуломов С., Усмонов Қ., Миллий мустақиллик Ўзбекистонга нима берди. Т., 2000.

11.Ўзбекистоннинг янги тарихи. III жилд. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., 2000.

12.Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.

## IV. Интернет сайтлар

1. ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлиги: www.edu.uz.

2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uzwww. Ziyonet. Uz

## 3-мавзу: Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар. (2 соат)

**Режа:**

1. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”.
2. Давлатлар пайдо бўлишининг мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
3. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

***Таянч сўзлар:*** Давлатчилик, цивилизациявий ёндашувлар, ишлаб чиқариш усули, “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган, “Европача йўли”, назариялар. Қадимги давлатлат, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, бошқарув

функциялаи, иқтисодий функциялар; ижтимоий функциялар; ҳарбий-сиёсий функциялар; ҳудудий функциялар ва уларнинг фаолиятлари.

## 1.Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”

Ўзбекистон ҳудудлари дунё сивилизация ўчоқларидан бири бўлганлиги шубҳасиздир. Марказий Осиёнинг қулай географик тузилиши, иқлим шароитлари бу ҳудудда яшаш учун ғоят қулай шароит яратган. Ўзбекистон ҳудудларидан жуда кўплаб қадимги даврга оид археологик ёдгорликлар топилган. Бу ёдгорликлардан қазиб олинган моддий ашёлар қадимги аждодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий турмуши ҳақида бой маълумотлар беради. Археологик манбалар таҳлили хулосасига кўра Ўзбекистон ҳудудларидаги қадимги аждодларимиз асосан дарё буйи манзилгоҳларида яшаганлар. Овчилик, термачилик билан бир қаторда хунармандчилик билан тўла-тўкис вужудга келди. Дарё бўйларида ёки водийликдаги текис деҳқончиликка қулай ерларда деҳқончилик маданияти ривожланган.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликка ўтиш Ўзбекистон ҳудудларида эрамиздан аввалги 3 минг йилликларда пайдо бўлди. Деҳқончиликнинг ривожланиши одамларнинг ўтроқ хаёт кечириши жараёнини кучайтиради. Бу хол маданиятнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларининг тезкорлик билан ривожланишига олиб келди. Энди қадимги аждодларимиз уруғ жамоаси асослари бўйича эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари асосида гуруҳлашиб яшаганлар. Маълум манзилгоҳларда патриархал тизим асосида юздан ортиқ оилалар бирлашганлар ва бу оила жамоани бошқариш улар орасидан сайланган оқсоқол ихтиёрида бўлган. Оқсоқоллар кенгаши катта кучга эга бо`лган. Уларнинг қўлида диний ва дунёвий ҳокимият бирлашган. Синфий табақаланиш жараёни кучайган сари жамиятни бошқариш оғирлашиб борган. Эрадан аввалги 1-минг йилликларга келганда ибтидоий жамоа тузуми ўзининг охирги босқичини ўтаётган эди. Темирнинг кашф қилиниши ибтидоий жамоа тузумини бузуб юборди. У

деҳқончилик ва хунармандчиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатди, чорвачилик деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқди. Хунармандчиликнинг ривожланиши боис илк шаҳарсозлик маданияти белгилари – бозорлар пайдо бўлиб кенг кўламли мол айирбошлаш кучайди. Натижада Ўрта Осиёда илк шаҳар давлатлар вужудга келди. Шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан хунармандчилик ва бинокорлик хам тараққий эта бошлади. Шаҳар давлатларда савдо-сотиқ, мол айирбошлаш жароёнлари табора бошланиб ривожланиб, кенгайиб борди.

Ўзбекистон ҳудудларидаги бронза ва темир давридаги ёдгорликлари комплексларини о`рганиш бу ҳудудда иқтисодиёт ва маданиятнинг юксак даражада тараққий этганини ва бу ерда қадим даврларданоқ синфий жамият шакллана бошлаганини ко`рсатади. Шуни қайд этиб отмоқ жоизки, Марказий Осиёдаги қулдорлик жамияти икки дарё оралиғи ва Мисрдаги қулдорлик сингари тараққий этмаган. Бу ерда қулчилик уклад сифатида мавжуд бўлсада, жамоа мавқеи катта бо`лганлигидан у тараққиётнинг юқори чуққисига кўтарила олмаган. Шу боис, Марказий Осиёдаги қулчилик “Осиёча ишлаб чиқариш усули” деб талқин қилинган. Марказий Осиёнинг ўзига хос табиий, географик ва хўжалик иқтисодий шароитлари хусусан, бу ерда суғорма деҳқончилик маданиятининг устунлиги қуллар меҳнатига нисбатан деҳқонлар меҳнатини устунроқ мавқеда бўлишини таъминлади.

Маълумки, меҳнат қуролларининг такомиллашиши натижасида ерга ишлов бериш яхшиланиб, экин майдонлари кенгайиб, одамларнинг меҳнати унумлироқ бўлиб қолди, ундан ясалган меҳнат қуроллари қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилигининг тез ўсишига олиб келди. Дарёларни тўсиб тўғонлар қуриб, каналлар қазиб, ерларга сув чиқариш имконияти кенгайди.

Ўргатилган ишчи ҳайвонлари қўшилган темир тишли омочлар билан ерни ҳайдашнинг ўзлаштирилиши, ҳосилдорликни ошишини, кўпроқ маҳсулотлар етиштиришни таъминлади. Булар инсонларни бир мунча яхши яшаш олиб келди. Уруғчилик муносабатлар ўзгариб, икки уруғ аъзоларидан ташкил топган эр-хотин жуфт оилалар ривожланди. Бир неча жуфт оилалар уюшиб,

катта патрихал оилалар уруғ жамоасидан ажралиб чиқди, уларга уруғ жамоаларига қарашли ерлардан чек ерлар ажратиб берилди. Шу тариқа уруғ жамоасининг умумий хўжалиги оилалар жамоасига бўлинди. Бундай оилалар жамоаси ишлаб чиқариш жамоалари деб ҳам аталди.

Ўрта Осиёнинг кадимий вилоятлари жамияти тўғрисида ёзма манбалардан  ташкари археологик манбалар далолат беради. Ўрта Осиё милоддан аввалги VI-IV аерларга оид моддий маданий ёдгорликларга бойдир. Жанубий Туркманистондаги Элкантепа, Ёзтепа, Эрқальа, Сурхондарёдаги Кучуктепа, Кизилтепа, Жанубий Тожикистонда Қалаимир, Бойтуданг, Хоразм, Қашқадарё ва Фарғона воҳаларидаги Кўзалиқир, Дингилжа, Ерқурғон, Узунқир, Даратепа, Эйлатонтепа харобалари шу даврга мансуб ёдгорликлардир.

Милоддан аввалги VI-IV асрда оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий асоси бўлиб, у хўжаликни биргаликда бошқарган. Уй жамоасининг аъзолари катта патриархал оила булиб, улар умумий турар жойда яшаганлар ва мол-мулкка биргаликда эгалик килганлар.

Қадимги замонлардан бошлаб зироатчилик билан шуғулланишган, тоғлари ва даштларида чорвачилик хатто бир неча асрлар давомида устунлик килган.

Ўрта Осиёда кулчилик муносабатлари кддимги Шарқ марказлари ва қадимги Юнонистонга нисбатан анча фарқ қилиб, деярли ривожланмаган. Жамиятда қишлоқ хўжалиги катта аҳамиятга эга бўлган. Ўрта Осиёда кадимги кулчилик шаклларидан бири «уй қулчилиги» бўлган. Элам ва қадимги форс ёзувларидаги «курташ» билан «гарда» сўзлари «уй қули» тушунчасини билдиради. Улар турли иктисодий вазифаларни бажарган. Мисол учун, «гарда-хунарманд», «гарда-бошкор»лар бўлган.

Ўрта Осиёнинг ижгимоий вазиятига кўра, улар эркин аҳолининг «мулки» бўлганлиги ҳақида хам ёзма манбаларда аниқ маълумотлар йўқ.

## 2- режа: Давлатлар пайдо бўлишининг мулкчиликка асосланган “Европача йўли”

Ф.Ратцель ўзининг қатор асарларида ҳудуднинг (замин) бирламчи ҳамда ўзгармас омил эканлиги ва халқларнинг манфаати ўзлари яшаб турган замин атрофида намоён бўлишини асослашга ҳаракат қилади. Унинг назарида ҳудуд ва замин тарихий тараққиётни олдиндан белгилаб беради. Бундан эса тадрижий мазмундаги қуйидаги хулоса келиб чиқади: “давлат тирик борлиқ”, аниқроғи, “заминда илдиз отган тана ҳисобланади”. Давлат ҳудудий рельеф, ўлчам ҳамда уларнинг халқ томонидан англанишидан ташкил топади. Шундай қилиб “давлат” категориясида ҳудуднинг объектив жўғрофий белгилари ва уларнинг умуммиллий миқёсда субъектив жиҳатдан англаниши сиёсатда ифодаланган ҳолда акс этади. Ф.Ратцел миллатнинг жўғрофий, демографик ва этномаданий хусусиятларини уйғунлаштира олган давлатни “меъёрдаги давлат” деб ҳисоблайди. “Сиёсий география” асарида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Давлатлар ўз тараққиётининг барча босқичларида замин билан узвий алоқада бўлган борлиқ экани боис, улар, аввало, жўғрофий нуқтаи-назардан ўрганилиши зарур. Этнография ва тарихга оид илмий маълумотлар давлатнинг ҳудудий негизда тараққий топиши, у билан яқинлашиб, бирикиши ҳамда ундан қувват олишини исботлайди. Шундай қилиб, давлат заминдан бошқариладиган ва жонланадиган ҳудудий борлиқ экан, уни тасвирлаш, қиёсий тадқиқ ва таҳлил этиш жўғрофиянинг вазифасидир. Давлат ижтимоий тараққиёт жараёнида рўй берадиган ҳодисаларнинг энг юқори нуқтасига айланган ҳолда, уларга сингиб кетади”.

Ф.Ратцел бундай “органистик” ёндашув асосида давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайишини тирик мавжудотнинг ривожланиши, тириклик жараёни сифатида талқин этади. Бу ҳол заминнинг ўзига нисбатан муносабатида ҳам намоён бўлади. Жумладан “замин” миқдорий хусусиятга эга бўлган моддий категориядан “ҳаётий муҳит”, “ҳаётий макон” тарзидаги янги сифат даражасига кўтарилади ва ўзига хос “геебиомуҳит”га айланади. Ана шу мулоҳазаларга таянган ҳолда Ф.Ратцел икки муҳим тушунча -

“маконнинг мазмуни” ва “ҳаётий қувват” атамаларини илмий муомалага киритади. Бир-бирига яқин ушбу атамалар халқлар ҳамда жўғрофий тизимларга хос муҳим хусусиятни англатади ҳамда уларнинг тарихдаги сиёсий аҳамиятини олдиндан белгилаб беради.

Геосиёсатнинг асосий тамойиллари ҳисобланган ушбу тезислар Ф.Ратцелнинг издошлари томонидан айнан шу аснода ривожлантирилган. Бундан ташқари, давлатнинг “заминда илдиз отган ҳудудий асосдаги тирик жисм” сифатида талқин этилиши геосиёсий услубнинг бош ғояси ҳамда ўзаги ҳисобланади. Бундай ёндашув кишилик жамиятига тегишли ҳодисаларнигина эмас, балки унга тааллуқли бўлмаган соҳалардаги жараёнларнинг бутун мажмуини таҳлил қилиш имконини яратади. Бу ўринда табиат ва атроф-муҳитнинг ёрқин ифодаси бўлган замин, шу ҳудуддаги кишилар ҳаётини узлуксиз таъминлайдиган борлиқ сифатида талқин этилади.

Шу маънода Ф.Ратцель, Фердинанд Теннис сингари немис “органистик” социология мактабининг бевосита вориси ҳисобланади.

Унинг миллат ва ҳудуд муносабатларига оид қарашлари “Сиёсий география”дан олинган қуйидаги парчада ўз аксини топган:“Давлат тирик тана сингари Ер юзасининг маълум қисмига боғлиқ ҳолда шаклланади ва унинг мазмун-моҳияти замин ва халқнинг хусусиятлари билан белгиланади. Бу ўринда ҳудуд ўлчови, жўғрофий жойлашув ҳамда чегаралар энг муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Тупроқ ва ўсимликлар тури, суғориш тизими ва ниҳоят Ер юзасидаги бошқа унсурлар, даставвал, яқин атрофдаги денгизлар ҳамда бир қарашда ҳеч қандай сиёсий аҳамият касб этмайдиган кимсасиз ҳудудлар билан муносабатлар кейинчи ўринларда туради. Ушбу хусусиятларнинг барчасини ифода этувчи мажмуа - dasLand ни, яъни мамлакатни ташкил этади. Бироқ “бизнинг мамлакат” ҳақида гап кетганда, унга инсон тарафидан яратилган барча неъматлар ҳамда шу замин билан боғлиқ барча тарихий хотиралар ҳам қўшилади. Ана шу тарзда дастлаб соф жўғрофий тусдаги тушунча муайян мамлакат халқининг ўз тарихи билан маънавий-руҳий алоқаси омилига айланади.

Давлат турғун заминдаги халқлар ҳаётини ифодалагани учунгина эмас, балки бу икки омил бир- бирини ўзаро мустаҳкамлаб, тўлдирадиган, бир-бири билан муштарак бир бутунликка айлангани учун яхлит “организм”ҳисобланади. Ўзлаштирилган, айниқса, табиий чегаралар билан ўралган ҳудудлар эса аксинча, давлатнинг тараққиётини таъминлайди. Агар халқ ўз ҳуҳудида ўзини табиий ҳис қилса, шу заминдан келиб чиқадиган ва унга қайтиб сингиб кетадиган бир хил хусусиятларни такрорлайверади”.

Ратцелнинг назарида давлатга нисбатан тирик тана сифатида муносабатда бўлиш “чегараларнинг бузилмаслиги” қоидасидан воз кечишни талаб этарди. Давлат тирик мавжудот сингари туғилади, ўсиб-улғаяди ва вафот этади. Ратцел ана шу қоидага таянган ҳолда давлатнинг ҳудудий кенгайиши ва торайиши табиий жараён эканини таъкидлайди ва “Давлатнинг ҳудудий ўсиши тўғрисида қонун” китобида унинг ички ҳаётий алмашинуви (цикли) билан боғлиқ. истилонинг 7 қонуниятини кўрсатиб беради:

1. Давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайиши жараёни шу ҳудуд маданиятининг ривожланиши билан биргаликда кечади.

2. Давлатнинг ҳудудий кенгайиши турли соҳаларда, хусусан мафкура, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолияти каби йўналишларда “тортишувчи нурланиш”, прозелитизм билан уйғун ҳолда рўй беради.

3. Давлат ҳам ўз навбатида муҳим сиёсий бирликларни қамраб олган ҳолда кенгаяди.

4. Чегара давлат атрофида жойлашган тана аъзоси сифатида тушунилади.

5. Давлат ўзининг ҳудудий истилосини амалга ошириб унинг тараққиёти учун муҳим ҳисобланган минтақаларни, жумладан қирғоқдаги Ерлар, дарё ҳавзалари, водий ва барча бой ҳудудларни эгаллашга ҳаракат қилади.

6. Истилонинг бошланғич жараёни албатта ташқаридан рўй беради, негаки давлатнинг ҳудудий жиҳатдан кенгайишига цивилизациянинг қуйи бўғини томонидан берилган туртки сабаб бўлади.

7. Нисбатан заиф ва кучли миллатлар ўзаро чатишуви ёки қўшилиб кетиши билан боғлиқ умумий тенденция улкан ҳудудларни ҳаракатга келтириб, янада кенгайишига мажбур қилади.

### 3. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

«Давлат» тушунчасига тўхталадиган бўлсак, жамият ривожи натижасида оммавий ҳукмрон гуруҳлар пайдо бўла бошлаган. Бу оммавий ҳукмрон гуруҳлар ўзларининг ҳукмронлиги асосини ташкил этувчи омилларни ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ҳаракатларни амалга оширганлар. Жумладан, синфий тарзда иқтисодий (мулкий) қарамлик вужудга келтирилган, тартибга солувчи меъёрлар (ғоялар) ўйлаб топилган ёки тартибга солиб турувчи куч (ҳокимият) ташкил этилган.

Мулк, ғоя ва ҳокимият эса ўз навбатида жамиятни бошқарувчи-ривожлантирувчи кучлар дсб ҳисобланади.

«Давлат» тушунчаси кенг маъноли бўлиб, унинг моҳияти деганда давлатнинг мақсад ва вазифаларини, кимга ёки қайси синф манфаати учун хизмат қилаётганлигини, ҳуқуқийлиги жиҳатидан қандай тамойиллар билан асосланганлигини тушуниш керак ва буни тушунишда уч асосий назарий ёндашув мавжуд: ижтимоий, синфий ва сиёсий-ҳуқуқий.

Биринчи ёндашувга кўра, давлат — умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади.

Иккинчи ёндашувнинг моҳияти шундаки, давлат синфларнинг пайдо боииши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади.

Учинчи ёндашувнинг асоси қуйидагича: давлат жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.

Давлатнинг моҳиятини таърифлашда Арасту ўз фикрини қуйидагича билдирган «Инсоннинг ўзига ўхшаган ва озод кишилар устидан ҳукмронлигини ўрнатувчи ҳокимият».

Давлатнинг моҳиятига боғлиқ назариялар:

*Елита назарияси.* Бу назарияга кўра халқ оммаси давлатни бошқара олмайди ва буни ҳукмрон синф—елита синф амалга ошириши керак деб ҳисобланади.

*Технократик назария.* Бу назарияга кўра давлатни мутахассис-бошқарувчилар, менежерлар идора этишлари лозим деб ҳисобланади.

*Плюралистик демократия назарияси.* Бу назарияга кўра давлатни бошқаришда барча фуқаролар иштирок этиши кераклиги ва бошқарувда ҳар қандай одам, ҳар бир бирлашма давлат ҳокимиятида ўз «улушига» эга бўлади, давлатни бошқаришда иштирок этади дейилади.

*Умумий фаровонлик давлати назарияси.* Бунга кўра давлат барча синфлардан устун турар экан, у барча фуқароларнинг фаровонлиги ва тинч-тотув ҳаёт кечиришлигини таъминлайди.

*Ҳуқуқий давлат назарияси.* Бу назария тарафдорлари давлатнинг бутун фаолияти ҳуқуқий мақсадларда, ҳуқуқ асосида ва ҳуқуқий воситалар ила амалга оширилиши керак, деб таъкидлайдилар. *Конвергенсия назарияси.* Бу назария давлатнинг истиқболдаги ривожини башорат қилувчи назария ҳисобланиб, унга кўра давлатлар бир-бирларидан яхши тарафларни ўрганадилар ва охири ҳамма давлатлар бир хил кўринишда бўлиб қолади.

*Тарихий материалистик назария.* Бу назария асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари ётиб, унга кўра давлатнинг иқтисодий ҳукмрон синфига давлатнинг қуроли деб қаралади. Дарҳақиқат бу ҳар бир назариянинг ўзига яраша афзаллик ёки тўғри тарафлари, шунингдек, кераксиз ва нотўғри тарафлари мавжуддавлатнинг моҳияти ҳақидаги замонавий қарашлар

1. Ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этиш (ўзаро ён босиш,
муроса қилиш ва ҳк.) воситаси.

2. Умумдемократик институтларни (инсон ҳуқуқлари, ошкоралик, демократия, плюрализм ва б.) таъминлаш.

*3.* Ташқи фаолият (мудофаа, босқинчиликдан ҳимояланиш, ҳудудий яхлитликни таъминлаш).

• *Давлат* — суверенитетга, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек, ҳуқуқ нормалари (қоидалари)ни яратишга қодир бўлган оммавий ҳокимиятнинг сиёсий-ҳудудий ташкилоти.

• *Давлат* — бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган ягона сиёсий ташкилот.

• *Давлат* — жамият сиёсий тизимининг одамлар, гуруҳ, синф ва ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ва ўзаро муносабатини ташкил этувчи, йўналтирувчи ва назорат қилувчи асосий институт.

• *Давлат* — ҳокимиятнинг бош институти. Ҳокимият давлат орқали ўз сиёсатини амалга оширади.

Давлатни вужудга келиши учун ижтимоий табақалашув вужудга келган. Ижтимоий табақалашув эса турли хил синфларни вужудга келтирган, яъни ҳукмрон ва қарам синфларни. Дастлабки, қарам синфларнинг вужудга келиши учун фақатгина моддий эҳтиёж сабаб бўлган холос. Яъни, бир гуруҳ одамлар (ҳукмрон синф) турли хил йўллар билан ортиқча мулк эвазига бойий бошлаганлар ва шу мулки орқали бошқа бир гуруҳ одамлар (қарам синф)ни бошқара олганлар. Энди бу ижтимоий табақалашув қандай содир бўлган? Бунинг сабаблари турли хил бўлиб, бир неча назария асосида тушунтирилган. Шу ўринда савол туғилади: қайси назария тўғрироқ? Агарда тарихга назар ташласак турли хил давлатларнинг вужудга келишидаги табақалашув турли хил омиллар асосида содир бўлган

• *Илоҳий (теологик) нузария.* Бу назария асосчилари вакиллари давЖатнинг худо томонидан яратилганлигини уқтирадилар, «бутун ҳокимият худоники» деган қоидани илгари сурадилар. Бу назария қадимда пайдо боиган ва ўрта асрларда кенг тарқалган. Ушбу назария теократик, яъни давлат

бошлиғи айни пайтда уининг диний раҳнамоси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради. Шарқ давлатларининг «Подшоҳ худонинг ердаги сояси» деган фикри ҳам буни ифодалайди.

• *Палриаихал назария* тарафдорлари давлат катталашиб кетганидан бевосита келиб чиққан, инонарх ҳокимияти эса гўё оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар. Ушбу назария Юнонистонда (қадимги Грецияда) пайдо бўлган Афлотун (Платон) ва Арасту (Аристотел)лар ўз асарларида асослаб берганлар. Афлотун ўзининг машҳур «Давлат» асарида оиладан ўсиб чиққан юксак адолатли давлатни тасвирлайди.

• Адолат ғоясининг ўзидан келиб чиқсак дейди Афлотун, адолатли одам ҳеч нимаси билан адолатли давлатдан фарқ қилмайди. Инсон руҳининг уч асос (ақл, жаҳолат ва нафс)га маслаҳат, муҳофазага асосланган тадбиркор давлатга мувофиқ кслади. Кейингиларига ҳукмдорлар, аскарлар ва ишлаб чиқарувчилар (ҳунармандлар ва дчқонлар)нинг уч табақаси тўғри кследиъ.

• Бу ғоя XVII асрда инглиз олими Филмсрнинг «Патриарх» асарида ривожлантирилган. Муаллиф Инжилга асосланиб, Одам Атонинг ҳокимиятни худодан олиб, ўзининг катта ўғли, патриархга, у эса ўзининг авлодлари бўлган қиролларга берганлигини исботлашга уринган.

• *Шартнома назария.* Голландияда ушбу назарияни Гросий ва Спиноза, Англияда Локк ва Гоббс, Франсияда Руссо, Россияда А. Н. Радишчсв ривожлантирган. Уларнинг фикрича, ҳокимият халққа тегишли бўлиб, халқ уни монархга берган. Шартнома назариясига кўра, давлат — онгли ижод маҳсули, одамлар келишган аҳд натижаси. Давлат — ўзаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти бўлиб, ана шу шартнома асосида улар ўзларининг эркинликлари ва ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

• *Зўравонлик назарияси* (Гумилович, Каутский, Дюринг)га кўра, зўравонлик асосида бир қабила иккинчи қабилани босиб олади ва натижада

босиб олинган қабила босиб олган қабилага итоаткор ҳисобланади. Босиб олган қабила эса ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун давлатни тузади.

• *Ирригатсия назариясига* кўра, давлатларнинг келиб чиқиши, уларнинг илк шакллари Шарқда улкан ирригатсия (сув) иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттфогелнинг «Шарқ истибдоди» асарида ифодалаб берилган.

• *Синфий назария* намояндалари -давлат иқтисодий сабаблар — ижтимоий мчнат тақсимоти, қўшимча маҳсулот ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиши туфайли келиб чиққан. Ушбу жараёнларнинг обектив натижаси ўлароқ давлат ўзининг махсус бошқариш ва бостириш воситалари билан ана шу синфиарнинг курашини бостириб туради. Бунда давлат ҳукмрон синф манфаатларини ҳимоя қилади..

• *Психологик назария.* Бу назария асосчилари давлатнинг пайдо бўлиш сабабларини инсоннинг руҳий ҳолати, биопсихик инстинктлари билан боғлайдилар. Таниқли рус олими Л.ЛПетражитский гўё инсон руҳияти (психикаси)га «буюк» шахсларга тобелик, бўйсуниш эҳтиёжи мавжуд, деган ғояни ўртага ташлайди.

• Немис психоаналитиги З.Фрейд эса давлатни ташкил этиш заруриятини инсоннинг психикасига қуйидагича боғлайди. Алоҳида ҳирсий ва биопсихик инстинктлар таъсири остида ҳаракат қилаётган исёнчи ўғиллар томонидан бошлиғи ўлдирилган аввал мавжуд боиган патриархал ўрдадан инсоннинг тажовузкор майлларини бостириб бориш мақсадида давлат пайдо бўлган.

• *Исломназарияси.* Бу назария исломда фиқҳ фани доирасида VIII-X асрларда таркиб топган. Уни таърифлашда классик мусулмон ҳуқуқида ҳокимият муносабатларини тартибга солувчи Қуръон ва Сунна қоидалари кўп эмаслигини назардан қочирмаслик муҳимдир. Бундан ташқари «давлат» атамасининг ўзи улар томонидан қўлланилмайди. Фақат «имомат» (дастлабки маъноси намозга имомлик) ва «халифалик» (ворислик) тушунчалари мавжуд. Улар кейинчалик мусулмон давлатини ифодалашда қўллана бошлаган.

• Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги Ислом таълимоти асосида энг йирик ҳуқуқшунослардан бин ал-Маварди (974-1058) қарашлари ётади. У давлатга динни ҳимоя қилиш ва дунёвий ишларга раҳбарлик бўйича Пайғамбар (С.А.В.) вазифаларини бажаришда ворис деб қарайди.

## Назорат саволлари:

1. Давлатчилик нима?
2.Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувларни изоҳланг.
3. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли” тушунтириб беринг.
4. Мулкчиликка асосланган “Европача йўли” қандай йўл?
5. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида қандай назариялар бор?
6. Қадимги давлатлатларнинг ривожланиш босқичлари, ва бошқарув тизимидаги функцияларни санаб беринг.
7. Иқтисодий - ижтимоий функциялар ва уларнинг фаолиятлари
8. Ҳарбий-сиёсий функциялар ва уларнинг фаолиятлари
9. Ҳудудий функциялар ва уларнинг фаолиятлари.

## Фойдаланган адабиётлар рўйхати


1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

6. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
7. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.

## IV. Интернет сайтлар

1. ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлиги: www.edu.uz.

2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uzwww. Ziyonet. uz

## 4-мавзу: Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли. (2 соат)

**Режа:**

1. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.
2.Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли. (Ахмонийлар, Довон ва Қанғ, Кушон давлатлари ҳудуди ва бошқарув тизими)

***Таянч сузлар:*** илк шаҳар-давлатлар, чекланмаган подшо ҳокимияти, мутлоқ монархия, Сатрапликлар, юнон-бактрия давлати, бошқарув тартиби, давлат тузими, Довон, Қанғ давлатлари, ҳудуд, ва Кушон давлати, хўжалик бошқаруви.

### 1. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.

Ўзбек халқи давлатчилиги яни жамият ҳаётини бошқариш тамойилларига асосланган дастлабки сиёсий тузулмалар ўтроқ , сунъий суғориш деҳқончилик ва чорвачилик заминида бронза давридаёқ Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида вужудга кела бошлаган. Унинг тадрижий давомида мил. ав 1 минг йиллик бошларида аникроғи VIII-VII асрларда Ватанимиз ҳудудларида “Катта

Хоразм”, “Бақтрия”, “Сўғдиёна”  номи билан машҳур бўлган дастлабки давлатлар барпо бўлган.

Хоразм давлати эгаллаган ҳудуд, ҳозирги Хоразм ерлари билан чегараланиб қолмай, балки ундан анча жанубига (Марв, Туркманистон , Хирот (Афғонистон шимолий) атрофларигача ёйилган.

Мил. ав сўнги минг йилликнинг бошларига тегишли Амиробод маданияти, Қуйи Амударё ҳавзасида юзага келган ўзига ҳос сунъий суғориш иншоати ҳамда дастлабки шаҳарозлик тимсоли бўлган шаҳар , қалъалар – Қалъалалиқир, Кўзалиқир ва бошқалар булар Хоразм воҳасидан давлат тузилмалари мавжудлигидан далолат беради.

Негаки, бу сингари умумелатлар, қавм-қабилар манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ўзгаришлар давлат бошқаруVI йўли билангина амалга ошириши мумкин бўлади. Қадимшунос олим Я. Ғуломов томонидан аниқланган 200 км узунликдаги эни бир неча ўнлаб метрдан иборат бўлган канал ўзани обод деҳқончилик маданияти Хоразм давлати қадимдан инсониятнинг йирик маданий масканларидан бири сифатида шуҳрат топганлигидан гувоҳлик беради.

Герадод маълумотига қадимда Окс (Амударё) дарёси бўйлаб 360дан зиёд сунъий суғориш каналлари сув иншоатлари барпо этилиб чўлли, саҳро ерларга сув чиқарилиб деҳқончилик учун экин майдонлари кенгайтириб борилган. Герадод Хоразмга мева сабазвотнинг , ғаллани барча турларини етиштирадиган ўлка деб қайд этган. Бу кўҳна ҳудуд бағрида минг йиллар давмомида сақланиб келаётган кўплаб асори-атиқлар сақланиб ётганлигини эслатиб ўтган.

Афсуски, Хоразм давлатида ҳукмронлик қилган сулолалар тўғрисида маълумотлар ҳозирча аниқ эмас. Баъзи бир тахминларга қараганда, Хоразмнинг сиёсий сулоласи Сиёвушонлар сулоласи бўлганлигини зикр этадилар.

Ўзбек давлатчилигининг яна  бир асоси – Бақтрия подшолигдир. Унинг таркигида Ҳозирги Сурхондарё, Тожикистон жануби, Афғонистоннинг

шимолий –шарқий қисми, Сўғдиёна ва Марғиёна ерлари кирган.

Рим тарихчиси Куртсий Руфнинг фикрича, "Бақтра дарёси номидан шаҳар , Вилоятнинг номи чиққан" .

Бинобарин, " Бақтрияликлар " жуда қадим манбаларда тилга олиниб, бир неча қабилаларни бирлаштирган тушунчани англатади.

Ктесий маълумотига кўра, бу ўлка оби-ҳаётга мўл-кўллиги унумдор ерлари кўп бўлганлигидан, бу ҳудудда деҳқончилик маданияти тараққиё топган, аҳоли боғдорчилик , мевачилик маҳсулотлари етиштиришда омилкор бўлган.

Қашқадарё воҳасининг мил. ав VIII-VII асрларига оид Сангиртепа , Узунқир, Еркўрғон, Зарафшон водийсида Афросиёб, Кўктепа сингари маконларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жойларда ўтроқ турмуш кечирган қавм, элатлар деҳқончилик билан фаол шуғулланганлар.

Юнон тарихчиси Ктесий ва Герадодларнинг берган маълумотларига Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик ривожланган давлатлардан бири бўлиб, бу ўлка битмас-тугамас бойликлар макони деган эдилар.

Шундай қилиб, юқоридаги келтирилган фикрлар шундан далолат берадики, қадимги ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасининг муҳим жиҳатлари, намуналари сифатида алоҳида қимматга эгадир.

Тарихий манбалар шуни кўрсатдики, давлатчилик жамиятининг ичида ўз ички қонуниятлари ичида асосида пайдо бўлди, ривожланади яъни давлат тузуммаси ташқаридан тайёр ҳолда кўчирилмайди, маълум жамият бағрида туғилади. Ўзбек давлатчилик тараққиёти ҳам бундан мустасно эмас .

Ўзбекистонда "Воҳа давлатчилиги", "Шаҳар давлатлар", Месопотамия, Миср, Хитой, Мезоамерикадаги "нома" давлатчилиги каби илк сиVIлизатсия белгилари пайдо бўлди ва ривожланди. Шулар асосида мил. ав VIII-VII асрларда Бақтрия подшолиги ва "Катта Хоразм" давлатлари шаклланди.

## 2. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли.(Ахмонийлар, Довон ва Қанғ, Кушон давлатлари ҳудуди ва бошқарув тизими)

Мил. ав. VI аср ўрталарида эронда вужудга келиб кучайиб борган Аҳмонийлар давлати қисқа давр ичида ўз атрофидаги қатор давлатлар, халқларни (Оссурия, Урарту, Мидия, Бобил ва бошқа) ўз таркибига бирлаштириб йирик салтанатга асос солдилар. Бу давлатнинг асосчиси Кир II Ўрта Осиё ерларига юриш қилди. Унинг юришини босқичга бўлиш мумкин: 1-босқичи мил.ав: 545-539 йилларга тўғри келади. 2-босқичи мил.ав: 539-530 йилларни ўз ичига олади. Эрксевар Ўрта Осиё халқлари Аҳмонийларга бўйсинмаслик учун кураш олиб бордилар. Бу эса КирII ни қайта-қайта қўшин тортиб келишига мажбур этди. Бу ҳақда юнон тарихчилари Герадод, Юстин, Страбонларнинг асарларида ишончли далиллар билан берилган. Кирнинг массагетларнинг жасур маликаси, мард аёл Тўмарис ўртасидаги муносабатлар, ўзаро уруши унинг якунларига оид маълумотлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

200 минг армия билан массагетларни енголмагандан сўнг у ҳийлаю найранг ишлатди. Бироқ, Тўмарис унинг шартларига кўнмагандан сўнг яна ҳийла ишлатиб Тўмариснинг ўғли Спарангисни асирга олиб, уни қатл этади. Сўнг Тўмарис Кир II армиясига қарши хаёт- мамот урушини олиб боришга жиддий тайёргарлик кўриб, жанга киришиб Кир II армиясини 529- йилда енгди ва Кир ҳам ҳалок бўлди. Мил. авв: 522 йили аҳмонийлар шоҳи бўлиб кўтарилган Доро I (522-486й.) даврида Ўрта Осиё ҳудудларини тўла-тўкис қўлга киритишга қаратилган урушлар самарасиз кечди. Доро I қўшини 519 йил сак (шак) лар юртига юриш қилган пайтда оддий чўпон Широқнинг мардлик туйғуси жўш урган. Широқ душманни ишонтириш учун қулоқ, бурнини кесиб танасини қонга бўялган ҳола Доро I қароргоҳига келади ва етти кеча ва кундуз Қизилқум чўлларида Доро I армияси ҳалокатга учратади ва ўзи ҳам шу ерда ҳалок бўлади. Доро1519-518 йилларда сак қабилаларини бўйсундиради.

Эрон Аҳмонийларига қарши халқ қўзғолонлари доимо юз бериб турган. Марғиёнада кўтарилган қўзғолонга Фрада деган шахс бошчилик қилган. Бироқ Доро 1 қўшини барча қўзғолонларни бостирган, ўч олган ва 55 минг қўзғолончилар қатл этилди, 7 минг киши қатл этилди.

Эрон Аҳмонийлари босиб олган мамлакатларни итоатда тутмоқ учун

“сатрап” (вилоятларга) бўлган. Ўрта Осиё тўртта сатрапликка бўлинган. 1). Каспий денгизи бўйларида яшовчи қабилалар II- сатрапия бўлиб, 200 талант (бобил пул бирлиги: 1 талант 30, 3 кумушга тенг) Бақтрия 12 сатрапия бўлиб 360 талант , саклар 15 сатрапия бўлиб, 250 талант, Хоразм, Сўғд ва Парфия 16 сатрапия бўлиб, 300 талант миқдорида йиллик солиқ тўлардилар.

Форс ёзуви манбаларга қараганда, Ўрта Осиёликлар солиқ сифатида қимматбаҳо тошлар , чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини ҳам бериб турганлар.

Ҳар бир сатраплик тепасида шоҳ томонидан тайинланган аҳмонийларга мансуб сатрап яъни ҳукмдор хокими мутлоқ сифатида сиёсат юритган ва маҳаллий аҳолини итоатда ушлаб турган.

Аниқ дунё тарихида Македониялик Искандар Зулқарнайн Юнонистон, Кичик Осиё, Арабистон ҳудудларини қудратли ҳарбий куч билан эгаллаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган Искандар мил. ав. 331 йил октябрида Гавгамел ёнида (шимолий-шарқий Месопотамия) бўлган жангда эрон қўшинларини енгади. Эрон подшоҳи Доро III Искандардан узил-кесил енгилиб мамлакат шарқига Бақтрияга қочади. У ерда эса Бақтрия сатрап Бесс томонидан ўлдирилади. У ҳам тез орада ўлади, мил. ав 330-329 йилнинг қишида Афғонистон жанубини эгаллаб, Ҳиндистон давони орқали Бақтрия пойтахти Бақтра (Ҳозирги Балх) шаҳрини эгаллайди. Кўп ўтмай Қашқадарё вилоятларига кириб келади, сўнг Самарқандни ва мамлакатни шимолий-шарқий ҳудудларига юришлари маҳаллий халқни қаттиқ қаршилигига дучор бўлади.

Сўғдиёна ва Бақтрия аҳолисидан лашкар тузиб, Спитамен Искандар армиясига қашқатқич зарбалар бердилар. Бироқ Спитамен армияси енгилиб, саклар юртига чекинди. Маҳаллий зодогонларни уни ўлимига олиб келди. Раҳбарини йўқотган қўзғолончилар тезда тарқалиб кетди. Искандар Ўрта Осиёни кўпгина ҳудудларини босиб олган бўлсада, Фарғона, Хоразм, Шош ерига эгалик қила олмади. Ўтган уч йиллик жангдан сўнг Ўрта Осиёни бошқаришни ўзининг ишончли одамларига топшириб мил. ав. 327 йил Ҳиндистон томон қўшин тортди. Бироқ мил. ав. 323 йилда Бобилда вафот

этди.

Искандарни Шарққа, жумаладан Ўрта Осиёга юришлари бежиз кетмади. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги турли муносабатларнинг боғланишига туртки берди. кейинчалик эллинизм (Болқон ярим оролидаги эллада шаҳри номи билан боғлиқ) маданияти деб аталган турли сиVIлизатсияларнинг ўзаро туташишидан иборат илғор маданий жараён вужудга юзага келди. Бу эса турли халқларнинг бир-бирлари билан яқиндан алоқа боғлашларида биргалашиб, умумбашарий қадриятларни қарор топдириб, боришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Искандар вафотидан кейин мил. ав. 312 йилдан бошлаб унинг истеъдодли саркардаларидан Салавк номи билан аталган салавкийлар сулоласи шарқий ҳудудларга ҳукмронлик қила бошлади. Ўрта Осиё ерлари ҳам унинг таркибига кирган эди.

Шундай қилиб Салавка Бобил , Сўзиана, Мидия, Олд Осиё , эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларига ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Ўрта Осиёдаги вилоятлар салавкийлар давлати сиёсий тарихида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Салавка Спитаменнинг қизи Антиох I ўзини мил. ав. 293 йили Шарқий сатрапларга, жумладан Ўрта Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлайди. Ўзининг узоқ йиллик ҳукмронлиги даврида (мил. ав. 293-261 й) Антиох Ғарбга қилган кўпгина юришлари билан шуҳрат қозонди. У ўз давлатининг Шарққа, жумладан Ўрта Осиё ерларига кам эътибор қаратди. Улар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё иқтисодий жиҳатдан юксалишига эришди, ҳунармандчилик, савдо, қишлоқ хўжалиги катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Буюк ипак йўли қайта тикланиб, йўлларда обод шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди.

У Искандар анъаналарига содиқ қолиб, страпияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Тангашунослик манбаларига қараганда Салавка I давлати Аҳмонийлар ва Искандар давлатига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият 27-28 страпияларга бўлинган.

Ҳар қайси страпияни шоҳ томонидан тайинлаб қўйилган страп ёки

стратег деб номланувчи шахс бошқарган. Форс страпларидан фарқ қилган ҳамда улар ҳам маъмурий ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олганлар. Страп-стратег маъмурий бошқарувда энг яқин одамларидан ўзига ёрдамчи танлаган. Бу ёрдамчи, солиқ йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо хўжалик ҳаётни назорат қилиб борган. Салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда аҳолидан тайинланган. Тарихий манбаларда салавкийлар страпстратеглари юнонча тилдан олинган (страпник, Александр ва бошқалар). Демак, салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда эллинлашган маҳаллий аҳолидан таийнлашган. Салавкийлар билан бирга маҳаллий зодогонлар ҳам ҳокимлик қилар эди.

Мил. ав. III асрнинг 60-50 йилларига келиб салавкийлар ҳукмдорлари орасида ҳокимият учун кураш бошланди ва ўзаро жанжаллар мамлакатни кучсизлантириб қўяди. Натижада Ўрта Осиёдаги халқларни сиёсий ҳаётида ўзгаришлар юз берди. Мил. ав. 250 йилга келиб дастлаб парфия кейин Юнон Бақтрия давлатлари ажралиб чиқиб ўз мустақиллигини қўлга киритдилар.

Юнонларнинг узоқ давом этган ҳукмронликлари давомида юнон маданияти билан Шарқ халқлари маданияти ўзаро сингишиб, бир-бирини бойитиб бордики, бу ҳол эллинизм номи билан машҳур бўлди. Бақтрияда юнон ёзуви, пул муносабатлари, оғирлик ўлчов бирликлари тарқалди. Шаҳарсозликда янича йўналишлар ривожланди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, салавкийлар сулоласи билан доимий равишда олиб борилган курашлар натижасида мил ав. III асрнинг бошларида Қанғ давлати пайдо бўлди. У Юнон-Бақтрия кўчманчи қабилалар билан олиб борилган курашлар оқибатида Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бирига айланди. Бу давлатнинг асосий негизини Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлар ташкил қилади.

Мил. авII асрнинг бошларигакелиб, Қанғ давлатининг ерлари бирмунча кенгайиб, Шарқда Фарғона водийси (Довон) , шимолий-шарқда усун, юежи қабилалари билан шимолий-ғарбда Сарисув дарёси, ғарбда Сирдарёгача борган. Бу катта ҳудуд Тошкент воҳаси, Толос водийсини ва қисман Чу

водийсини қуйи оқимидаги ерларни ҳисобланган. Мил. ав. II-I асрларда Хоразм ўзларига бўйсундирилади.

Катта хан сулоласи мил.ав 202 й Қанғуй (Қанғ) подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш юритган. Қанғ давлати кенгашида қабила бошлиқлари , ҳарбий саркардалар фаол иштирок этганлар. Подшо саройи қошидаги кенгашда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати маслаҳат билан ҳал қилинган.

Қанғ далатига қарашли ерлар бир неча Вилоятларга бўлиниб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ҳоким бошқарган. Вилоят бошлиқлари жобу ёки ёбу деб аталган.

Қанғ ҳукмдори мамлакатни ана шу жобуларга таяниб идора этган. Бу Вилоятларнинг кўпчилиги Қанғ давлатининг кучайган давлатларида, мил. ав. II-I асрларда тобе этилган.

Хитой манбаларида таъкидлашича, Тошкент, Сўғдиёна ва Хоразм ҳудудларидаги  бешта жой: Сусйе, юни, чу, юечянъ, фули вилоятлари эслатиб ўтилади.

Қанғ подшоларини иккита: ёзги ва қишки қароргоҳлари бўлган. Улар ёзни Ўтрорда (Қозоғистонни Арис ва Туркманистон оралиғида) қишни эса Қанҳа (ҳозирги Тошкент Вилояти Оққўрғон туманида) ўтказганлар.

Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи аҳолининг маълум қисми мил. ав. ИИИ милодий В асрларда ўтроқ ҳаёт кечирганлар . Археологик тадқиқотлар натижаси шуни исботладики, Ўтрор, Оқтепа, Қоровултепа, Қовунчи, Чоштепа, Минг ўрик ҳаробалари ўрнида қанғлиларнинг қўғонлари, кўҳна шаҳарлари бўлган. Тошкент воҳасида яшаганлар асосан ўтроқ ҳаёт кечириб ҳунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик билан, кўчманчилар эса чорва билан шуғулланган.

Қорамозор, Қурама ва Чотқол тоғларида темирчилик, мисгарлик каби ҳунармандчиликни ривожлантириш учун маъданлар бўлган. Бу ердан мис, темир, кумуш каби бошқа металлар қазиб олинган. Тошкент воҳасидаги Қовунчитепадан Қанғарларга хос маданият топиб ўрганилган ва фанда

Қовунчи маданияти билан машҳур. Бу Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими, Еттисув, Шимолий Фарғонада кенг тарқалган.

Буюк ипак йўли неча асрлар давомида не-не мамлакатлар ва бошқа халқларни бир-бирига боғлаш алоқаларини мустаҳкамлашдаги мислсиз хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу илк бор Хитой ҳудудидан бошланиб ғарб томон 12 минг кмга чўзилиб шарқ билан ғарбни бирлаштирган савдо йўли эди.

Қадимги Фарғона давлати тарихи ҳақида фикр юритилганда академик А. Асқаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларидаги хулосага кўра, милоддан аввалги VII-VI асрлардан то милодий В асрга қадар бўлган давр тарихини кўз ўнгимизга келтирамиз. Чунки ундан аввалги давр Қадимги Фарғона тарихида ибтидоий жамоа тузуми ва В асрдан бошлаб эса унинг феодал даври тарихи бошланади. Фарғонанинг қадимги даври тарихи қулдорлик даврига тўғри келади. Бироқ сўнги йилларладаги археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Қадимги Фарғона давлати тарихида унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида эркин жамоа хўжалиги жамият ривожида асоси қатламни ташкил этади.

Қадимги Фарғонанинг ана шу давр тарихида, Хитой манбаларига кўра Довон (хитойча) давлати бўлган. Аммо бу давлат қайси асрда пайдо бўлганлиги қачон инқирозга юз тутганлиги ҳақида маълумот йўқ. Фақат мил. ав. II-I асрларда қудратли Довон давлати бўлганлиги ҳақида маълумотлар сақланган.

Шунингдек , мил. ав. VI-IV асрларда Бақтрия, Парфия, Марғиёна, Сўғд, Хоразм давлатларини эрон аҳмонийлари ва искандар Зулқарнайнга тобе бўлганлиги ҳақида етарли маълумот бор. Демак, сиёсий эркини сақлаб қолган. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган бўлсак, Қадимги Фарғона давлати – Давон мил.авв: II асрда эмас,балкиIII-IV асрлардаёқ шаклланган давлат сифатида мавжуд эди. У қадимда Паркан деб аталган.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Довон давлати маълум сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб подшо унвони билан иш юртгани таъкидланади.

Давлат ҳукмдори мамлакатни сиёсий ва диний ҳаётида муҳим ролъ ўйнаган бўлиб, оқсоқоллар кенгашига таяниб иш кўрган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорларнинг тақдирини ҳал этганлар.

Ҳукмдорнинг ёнида энг яқин қариндошларидан иккита ёрдамчи бўлган. Ҳукмдор давлат ишларини олиб боришда оқсоқоллар кенгашига суянган. Оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор билан биргаликда давлат аҳамиятига молик ижтимоий-сиёсий ва диний масалаларни ҳал этган. Шу билан бирга оқсоқоллар кенгаши ҳукмдор фаолиятини муҳим масалаларда назорат қилиб борган.

Олий кенгаш олдида ҳукмдорларнинг ҳуқуқлари чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик , дипломатик масалаларда ҳал этувчи куч ва ҳуқуқ олий кенгаш қўлида эди. Олий кенгаш ҳукмдорни ҳокимиятдан тушириш ўрнига янгисини тайинлаш, сайлаш мумкин бўлган. Борди-ю , давлат қўшинлари енгилса, Олий кенгашга ҳукмдорни ўлим жазосига тортилганлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқини берган. Ҳукмдорлар ҳан мугуан сўнг мотсойлардир.

Довон давлатининг сиёсий тузуми шаҳар – давлат ёки воҳа давлатларининг эркин иттифоқидан ташкил топган конфедерасия эди. Бундай давлат тузумининг вужудга келишида Қадимги Фарғонада сўнги бронза даврида (мил ав XI-VII асрлар) шаклланган деҳқончилик воҳалари ва улар базасида ташкил топган қадимги шаҳарлар асос бўлган. Ана шундай деҳқончилик воҳаларининг сони Қадимги Фарғонада 10 дан ортиқдир. Улар, Аравонсой, Акбура, Султонобод, Қўрғонтепа, Андижонсой, Шаҳрихонсой ва бошқалар киради.

Довон давлатини пойтахти –бош шағар Ўзганд воҳасида Шўрабашат ўрнида бўлган дейилади.

Довонда деҳқончилик маданияти авж олган, буғдой, шоли, арпа, тариқ, жўхоро ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирган, айниқса мевачилик, боғдорчилик улардан олма, ўрик, узумчилик ривожланган бўлиб, мусаллас,

вино шарбати машҳур бўлган.

Хитой сайёҳи Чжан Сяннинг хабарига кўра, Довонда 70 та обод шаҳар бўлган. Довон давлати қўшни давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини авж олдирган. Мил. ав. ИИ бошлаб, Қошғардан Довонга карвон ҳаракати йўли бошланди ҳамда савдогарларни хавфсизлигини таъминловчи қалъалар барпо этилди.

Довонда айниқса, чорвачиликни ўзига хос томони бўлиб, зотли чопқир отлар билан машҳур эди. "Самовий отлари" Хитойнинг Хан давлатда шуҳрат қозонган ва Хитой императори Довон отларини ниҳоятда қадрлаганлар.

Довоннинг сиёсий ва маданий ривожланишида ҳунармандчилик маркази бўлган қадимги шаҳарлар айниқса катта аҳамиятга эга бўлган.

Бу даврга оид археологик топилмалар шундан далолат берадики, деҳқончиликдан ихтисослашган ҳунармандчилик ажралиб чиқиб, бу жарён ўз навбатида тоғ - кон саноатини кенг ривожланиш имкониятини беради ва қўшни давлатлар билан иқтисодий, сиёсий алоқларни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу даврдаги ташқи савдода танга пуллар ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли маҳсулот айрибошлаш устун бўлган.

Кушон давлати мил. ав. II асрнинг иккинчи ярмида Шарқий Туркистон ҳудудларида яшовчи туркий қавмлар қўшниси хунлар тайзиқига учраб, уларнинг сиқувига бардош беролмай ғарбга томон силжийдилар. Хитой манбаларида улар юечжилар деб аталган. юечжилар Иссиққўл атрофида сак қабилалари билан тўқнашиб, уларни жанубий –ғарб томонга сурадилар. Бироқ юечжилар усун қабилалари зарбасига учраб, жанубга силжиб, мил. ав. 130 йилларда Сўғдиёна ҳудудига кириб келадилар. Улар Сўғдиёнадан Бақтрияга ва бақтриядаги юнонлар ҳукмронлигини ағдарадилар, юечжилар Фарғона водийсини ҳам эгаллайдилар. Улар бешта сиёсий хонодонга мансуб эдилар. 1. Гуйшуан (Кушон); 2. Хюми; 3. Шуанми; 4. Хиёс; 5. Хуанми. Уларни ҳар бири қариийб 100 йилча алоҳида сиёсий куч, ҳокимлик бўлиб, ягона ҳукмдорга бўйсунмаган ҳолда фаолият юритадилар. Мил. ав. I асрда Кужула Кадфиз барча юечжи қабилаларини бирлаштиради ва бутун Бақтрияда сиёсий

ҳокимиятни эгаллайди. Сўнг қўшни Сўғдиёна, Марғиёна, Ҳиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмини забт этади, Қандаҳор, Қобул ҳудудларини эгаллайди.

Мамлакат пойтахти Далварзинтепа (Сурхондарё Вилояти) шаҳри бўлган. Кушонлар сулоласи даврида ўзбек давлатчилиги салтанатлик босқичига кўтарилди. Кушон давлатини бошқарган сулолалр асос солган –Кужула Кадфиз(мил. ав. Биринчи аср бошларида), унинг ўғли Вима Кадфиз (мил. ав. Iаср ўрталарида ), Канишка (78-123 й.й.) ва Канишка II , Васудева, Канишка III, Васудева II номларини тилга олиб ўтмоқ жоиз бўлади.

Кушонлар мавқеининг кучайиши Канишка даврига тўғри келади. Бу пайтга келиб, Ҳиндистннинг Пешовор, Панжоб, Кашмир ва бошқа марказий ҳудудлари, Шарқий Туркистонни катта қисми салтанат таркибига киритилди. Мамлакат пойтахти Пешоворга кўчирилди.

Кадфиз 1 даврида зарб қилинган тангаларда “Кужула Кадфиз ябғу” деган сўзлар учрайди. Унинг ўғли Вима Кадфиз мамлакатда пул ислоҳатини ўтказиб оғирлиги 8 грамм олтин тангаларни зарб қилдирган. Бу эса халқаро савдода давлат обрўйини ортишга олиб келади. Худи шу йилларда Рим императори билан савдо-сотиқ ишлари кучайди.

Устамон сиёсатчи, етук саркарда бўлган Канишка мамлакат ички ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришларни амалга ошириш баробарида ташқи сиёсатда ҳам ғоятда уддабуронлик билан фаолият юритади. Бунинг дин соҳасида ўтказган ислоҳати муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гарчанд, будда дини давлат динига айлантирилгаен бўсада, бироқ мамлакатни турли ҳудудларида маҳаллий аҳоли қайси динга ишонган бўлса, эътиқод қилган динга эркинлиги сақланиб қолди. Ҳатто ўзарб этилган тангларда ҳам Будда динидан бошқа динларнинг худоларнинг зарб этган тангалар чиқарилди. Тангалар кушон ва бақтрия тилларида чиқарилганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Кушонлар сулоласи даврида Далварзинтепа , Холчаён(Денов), Зартеап, Фаёзтепа, Қоратепа, Айритом (Термиз атрофи) каби шаҳарлар ниҳоятда

ривожланган. Ўлкамизда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти жуда тараққий этган. Кўплаб суғориш иншоатлари барпо этилди, каналлар қурилди. Шаҳарсозлик , меъморчилик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик каби ҳунармандчилик соҳалари юксак даражада ривожланган.

Далварзинтепадан 1972 йилда археологлар томонидан 30 кг тилла буюмлар хазинаси алоҳида қимматга эгадир. Унда 115 та билак, халқалар, бўйин тақинчоқлари, олтин қўймалар, авлодларимиз маҳоратидан нишонадир. Кушонлар даврида маданиятнинг муҳим катта ютуқларидан шуки, бунда турли қутб ва минтақаларда яшайдиган хақларнинг маданиятлари ўзаро яқинлашиб, бир бирларини тўлдириб бойитиб борган. Бу эса турли- туман соҳаларда яқиндан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилишларига кенг йўл очган умумий юксалишга туртки бўлган ва моддий ва маънаVIй маданиятинги ривож топганлигини намоён этгандир .

Кушон подшолиги рухонийлар қўлидаги давлат бўлиб, бу давлатда подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга бош ҳоқон ҳисобланган . Подшолик сатрапияларга (вилотларга) бўлинган бўлиб, уларнинг бошлиқлари маълум маънода ўзларини мустақил деб ҳисоблаганлар.

Кушон давлати қулдорлик давлати ҳисоблансада давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти жуда катта бўлган.

Милодий III асрнинг ўрталарида ўзаро курашлар авж ола бошлайди. III асрнинг иккинчи ярмида кушон подшоларининг кўпгина ерларини эрон сосонийлари қўлига ўтади ва қудратли кушон давлатини инқирози кучая бошлайди.

**Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон худудида ривож топган илк шаҳар-давлатлар ҳақида гапириб беринг.
2. Ахмонийларнинг чекланмаган подшо ҳокимияти қандай тузилмага эга эди.
3. Сатрапликларда бошқарув тизими ҳақида нималарни биласиз?
4. Александр Македонскийнинг бошқарув фаолияти; юнон-бактрия давлат бошқарув тартиби ва давлат тузими ҳақида гапириб беринг.

5. Довон ва Қанғ давлатлари ҳудуди ва бошқарув тизими ва инқироз сабаблари?
6. Кушон давлати (подшолигида) хўжалик бошқаруви қандай бўлган?

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**


1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент-1992.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
6. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
7. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
8. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.


**IV. Интернет сайтлар**

1. ЎзбекистонРеспубликасиОлийваўртамахсустаълимвазирлиги: www.edu.uz.
2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uzwww. Ziyonet. uz

## IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу:Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи.Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси.(2 соат)

### Режа:

1. Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув (V-VIII аср ўрталаригача)
2. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқаруви
3.Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи

| | |
|---|---|
| Вақти – 2соат | Тингловчиларсони: _____нафар. |
| Ўқувмашғулотинингшакли | Билимларничуқурлаштиришвакенгайтиришбўйича амалий машғулоти. |
| Семинар машғулотинингрежаси | 1. Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув (V-VIII аср ўрталаригача)<br>2. Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқаруви<br>3. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Тингловчиларда Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи мавзусига оид билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>- Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;<br>-билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш;<br>-ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш;<br>-коммуникатсия, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br>Тингловчи:<br>Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқаруви ҳақида маълумотлар бера олади.<br>Ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқарувини изоҳлаб бера олади.<br>Амир Темур ва темурийлар даврида давлатчилик ривожи тўғрисида ўз тушунчаларига эга бўлади.<br>Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи маълумотлар бера олади.<br>Илк ўрта ва ривожланган ўрта асрлар давлатчилиги ва бошқарувини изоҳлаб бера олади. |
| Ўқитишуслубиватехникаси | Мунозара, тақдимот, блитц-сўров, баёнқилиш. |
| Ўқитишвоситалари | Маърузаматни, дарсликваўқувқўлланмалар,маркер,скоч, қоғоз. |
| Ўқитишшакли | Оммавий,гуруҳий. |
| Ўқитишшарт-шароити | Гуруҳлардаишлашгамўлжаллангануқувхонаси |

## Амалий машғулотининг технологик картаси.

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Тингловчи |
| 1-босқич машғулотга кириш (10 дақиқа) | 1.1. Мавзу мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади<br>1.2.Тингловчиларни фаоллаштириш мақсадида мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосида блитц – сўров ўтказади | 1.1. Диққат билан тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br>1.2. Саволларга жавоб берадилар. |
| 2-босқич. Асосий (60 дакика.) | 2.1.Тингловчиларни гуруҳга ажратади. Ўқув топшириқларини тарқатади. Ҳар бир Тингловчи гуруҳ бахосига мос равишда баҳо олишини тушунтиради, гуруҳларда ишлаш қоидалари билан таништиради. Гуруҳларда ишлаш натижаси А4 бичимидаги қоғозларда кўрсатилиш кераклигини маълум қилади. Мавзу муҳокамаси гуруҳларда ишлар тақдимотидан сўнг давом этишини эълон қилади.<br>2.2. Вазифа бутун гуруҳ томонидан бажарилишини эълон қилади. Вазифани бажаришда дарслик, маъруза матнлари, конспект дафтарлари ва бошқа қўлланмалардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.<br>2.3. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади. Жавобларни шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнидаги асосий хулосаларга эътиборни қаратади. | 2.1. Ўқув топшириқларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради, вазифаларни бажарадилар.<br>2.2. Тақдимот қилади, тўлдиради, бошқа гуруҳларга саволлар беради ва ўзаро баҳолашни амалга оширади. Ёзиб оладилар.<br>2.3. Эслаб қолади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қилади. |
| 3-босқич. Якуний (10 дақиқа.) | 3.1. Машғулотга якун ясайди, хулосаларни умумлаштиради, гуруҳларда фаол иштирок этган Тингловчиларни баҳолайди. | 3.1. Эшитади, аниқлаштиради. |

**Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари.** 1-слайд



2-слайд

АрабларнингЎртаОсиёниистило этишивауларнингМовароуннаҳрдагибошқаруви

3-слайд

Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва этакчи мавқега эга бўлиши; маҳаллий бошқарув тартиби. Сомонийлар давлати; ижтимоий-сиёсий жараёнлар; давлат бошқарув тартиби; ҳуқуқий муносабатлар. Қороҳонийлар давлати; маъмурий тузилиши, ҳудуди; давлат бошқаруви тартиблари; ижтимоий – сиёсий тузуми

4-слайд






5-слайд

Ҳоқондан кейинги шахс –Ябғу-баҳодир бош вазирвазифисидабўлган. Тахт меросхўри –Тегин шаъзода деб юритилган

Ҳоқондан кейинги шахс –Ябғу-баҳодир бош вазирвазифисидабўлган. Тахт меросхўри –Тегин шаъзода деб

Қораҳонийлардавлати; маъмурийтузилиши, ҳудуди; давлатбошқарувитартиблари

Марказий Осиё минтақасининг Еттисув ва Қошғар қисмидаги янги бир сиёсий сулола

.Сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизимининг асосий мазмуни сақланиб қолган.

Маъмурийидоралариккигабўлинган. 1) Даргох; 2) Девонга.

1) оғичи 2) бирук; 3) ошчи (боғарчи); 4) битикчи – мунший; 5) котиб – мирзо; 6) кушчи

7) хоқон ҳарбий қўшинлари черик ; 8)  сувбоши ёки сипоҳсоларлар қўмондонлик қилган;

8) кичик зобит – човуш, сипоъийлар тўдаси қўмондони ъайилбоши дейилган

# Илова-2

## Қорахонийлардавлати1-слайд

10) қўшин ўнлик, юзлик, мингликларга бўлинган. Қорахонийлар хоқони қўшини ҳарбий лагер Хонтўй дейилган; 11) хоқонликда элчини – ялавоч ёки ялафор деб аталган.

Хоқонлик ҳудудлари эл, Вилоятларга бўлинган. ХИ асрнинг учинчи чорагида қорахонийлар сиёсий бирлиги иккига: ғарбий ва шарқий хоқонликларга бўлиниб кетган.

Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган қорахонийлар намоёндалари бундан буён марказга бўйсунишдан бош тортиб, мустақил сиёсат юргиза бошлаганлар. Марказ уларни бўйсундиришга ожизлик қилган. Бироқ ҳам ғарб, ҳам шарқ бир сиёсий хонадонининг турли намоёндалари орқали бошқариб борилган.

2-слайд

Ғарбий хоқонликда (Самарқанд, Бухоро, Хутталон, Чоғониён) сомонийлар даврида мавжуд бўлган бошқарув тизими сақланиб қолинган. Масалан: бош вазир, молия вазири, соқчилар вазири ва ҳоказолар. Олий ҳукмдорнинг хавфсизлигини сақлаш унинг сиёсати йўлида адолатли хизмат қилувчи ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқарув тузумига кирган.Қорахонийлар даврида мамлакатни ташқи сиёсати ва дипломатия масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

3-слайд

ҒазнавийларваСалжўқийларнингбошқарувтизими

1211: Ғазнавийлар – Ғазнашаҳри

Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Собуқтегин

1059 йилда Ғазнавийлардан–Балх шаҳрининг Салжуқийлар қўлига ўтиши Ғазнавийлар давлатини тугатилишига олиб келди.

Ғазнавийлар давлатининг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон сарьадларидан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган эди.

ҳамда ҳозирги Афғонистон ва шимолий шарқий эронни ўз ичига олган

Ғазнавийлар бошқарув тизими Сомонийлар, Қорахонийлар замонидаги давлат бошқарувни тизимларига якин ва ўхшаш

4-слайд

Даргоҳ-олийҳукмдор (ғазнавий ҳукмдорлар «амир »унвонигаэгабўлганлар)

Улар орасида «ҳожиблик» хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Манбаларда, ҳожибларнинг қуйидаги шакллари келтирилади: 1) Улуғ ҳожиб, 2) Сарой ҳожиби; 3) Ҳожиб жамоалар.

Пардадор (маърам, сир сақловчипинҳона вазифаларини

Ҳожиблар одатда қора чакмон ва икки учли кулоъ кийиб юрганлар учли кулоъкийибюрганлар

Даргоҳ фаолиятида сипоҳлар (Сарой хизматчиси)

Даъватдор (олий ҳукмдор шахсийҳужжатлари, ёзув чизув ишлари

5-слайд




6-слайд




7-слайд



8-слайд

Амир Темур дунё тарихида биринчи бўлиб жамият ижтимоий таркибини ўн икки табақага ажратиб, уларнинг ҳар бирининг алоҳида, мавқеи, манфаатларини шунга мувофиқ келадиган давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабтларини белгилаб берди.

Унингдавридабошқарувиккиидорадан, яъниdаргоҳвавазирликлардaнибoратбўлган.

Даргоҳтепасида – олийҳукмдорнингўзибўлган. Давлатвамамлакатҳаётидамоликмасалаларунингкўрсатмасибиланҳал

Даргоҳ фаолиятининг бошқариш, унинг вазирликлари, маҳаллий ҳокимият идоралари ва умуман салтанатда кечатган ишлар олий девон зиммасида бўлган. Сарой вазири, ясовул, эшик оға сингари юқори лавозимлар ҳам давлат ҳокимияти тизимининг энг асосий бўлимларидан ҳисобланган.Давлат хавфсизлиги вазирлиги, Ташқи алоқалар вазирлиги (девони Расоил).

Шайхулислом, Қозийиал-қуззот (олийсудя), қозийилахдос (ахлоқ, одоббўйича), қозийиАскар (ҳарбийсудя), садриаъзам

Олийдевонгаҳаркунитўртвазирижроияидораларидaнбошвазир, ҳарбийвазир, мулкчиликвасолиқишларивазирлиги, молиявазириҳозирбўлиб, ўзига хосравишдаҳисобберибтурган.

мухтасиб (шариатқоидалари, бозорлардагинарх-наволарназоаритбиланшуғулланувчивазир),

## Илова-3

## Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи

1-слайд

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига кўра ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал килади:[1]Давлатнинг сиёсий жихатдан мустақил бўлиши;

1. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлигининг бузилмаслиги;
2. Давлат ва жамиятнинг муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши;
3. Бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қонун ва қоидалар ишлаб чиқилишининг шаклланган бўлиши;
4. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволининг давлат эътиборида бўлиши;
5. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий кайғуриш;
6. Ҳар бир давр шарт–шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларининг ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;
7. Давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замон ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи;
8. Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни жамиятнинг ривожи ва барча ижтимоий табақалар манфаатларининг таъминланишини қўшди.

2-слайд

Амир Темур давлат бошқарувини амалга оширсада, бирок ўша давр давлатчилик анъаналарига асосан давлатнинг расмий ҳукмдорлари Чингизхон хонадонига мансуб Суюрғатмиш (13270-1388 йиллар) ва унинг ўғли Махмудхон (1388-1402 йиллар) ҳисобланар

Расмий ҳужжатлар шу хонларнинг номидан битилиб, тангаларда ҳам шу хонларнинг номи акс эттирилсада, аслида амир даражасида бўлган Амир Темур томонидан давлат бошқарувининг барча соҳалари тўлалигича амалга оширилган.

**Мамлакат ва раият вазири** - мамлакатдаги умумий ҳолатни бошқарган ва назорат қилган.
Сипоҳ вазири **(ҳарбий вазир) - ҳарбий соҳа учун жавобгар.**
Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири - **закот ва бож, солиқлар ишларини бошқарган** ва назорат қилган.

Салтанат ишларини юритувчи вазир **(сарой вазири) - салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан қилинадиган сарф-харажатлар, давлат молиявий тизимининг назоратчиси.**
Сарҳадлар вазирлари - **бу вазирлар уч нафар бўлиб тобе мамлакатлар билан боғлиқ молиявий ва даромад ишларини бошқарганлар.**[1]

- **Биринчи,** вазири аъзам **(бош вазир) – салтанатнинг муҳим ишлари билан шуғулланган.**
- **Иккинчи,** сипоҳ вазири – **мамлакатнинг ҳарбий масалалари билан шуғулланган.**

**Учинчи,** (мулкчилик ва солиқ ишлари вазири) - **давлат ер-мулклари, бож, закот ишлари билан шуғулланган.**
**Тўртинчи,** (сарой вазири) - **салтанат кирим чиқимлари, хазина ҳаражатлари билан шуғулланган.**
Бешинчи, адлия вазири бўлиб, бу вазир девони куззот (қозилар девони) га раҳбарлик қилган.

# Илова-3

## Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожи

1-слайд

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қурилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига кўра ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал киладиː[1] Давлатнинг сиёсий жихатдан мустақил бўлиши;

9. Давлат ва жамият сиёсий яхлитлигининг бузилмаслиги;
10. Давлат ва жамиятнинг муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши;
11. Бошқарув тизимини мувофиқлаштириб турувчи қонун ва қоидалар ишлаб чиқилишининг шаклланган бўлиши;
12. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволининг давлат эътиборида бўлиши;
13. Фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий кайғуриш;
14. Ҳар бир давр шарт–шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларининг ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;
15. Давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замон ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи;
16. Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни жамиятнинг ривожи ва барча ижтимоий табақалар манфаатларининг таъминланишини қўшди.

Амир Темур давлат бошқарувини амалга оширсада, бироқ ўша давр давлатчилик анъаналарига асосан давлатнинг расмий хукмдорлари Чингизхон хонадонига мансуб Суюрғатмиш (13270-1388 йиллар) ва унинг ўғли Махмудхон (1388-1402 йиллар) ҳисобланар

Расмий ҳужжатлар шу хонларнинг номидан битилиб, тангаларда ҳам шу хонларнинг номи акс эттирилсада, аслида амир даражасида бўлган Амир Темур томонидан давлат бошқарувининг барча соҳалари тўлалигича амалга оширилган.

**Мамлакат ва раият вазири** - мамлакатдаги умумий ҳолатни бошқарган ва назорат қилган.
Сипоҳ вазири **(ҳарбий вазир) - ҳарбий соҳа учун жавобгар.**
Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири - **закот ва бож, солиқлар ишларини бошқарган** ва назорат қилган.

Салтанат ишларини юритувчи вазир **(сарой вазири) - салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан қилинадиган сарф-ҳаражатлар, давлат молиявий тизимининг назоратчиси.**
Сарҳадлар вазирлари - **бу вазирлар уч нафар бўлиб тобе мамлакатлар билан боғлиқ молиявий ва даромад ишларини бошқарганлар.**[1]

- **Биринчи,** вазири аъзам **(бош вазир) – салтанатнинг муҳим ишлари билан шуғулланган.**
- **Иккинчи, сипоҳ** вазири – **мамлакатнинг ҳарбий масалалари билан шуғулланган.**

**Учинчи,** (мулкчилик ва солиқ ишлари вазири) - **давлат ер-мулклари, бож, закот ишлари билан шуғулланган.**
**Тўртинчи,** (саройвазири) - **салтанат кирим чиқимлари, хазина ҳаражатлари билан шуғулланган.**
Бешинчи, адлия вазири бўлиб, бу вазир девони куззот (қозилар девони) га раҳбарлик қилган.

**4-слайд**

**Айни вақтда Амир Темур томонидантурк ий давлатчилик бошқарувининг асосийхусусият ларидан бири бўлган қурултойларни нг фаолияти жонлантирилди .Қурултойда мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ масалалар**

**Қурултой-Миллат мажлиси вазифасини бажарган**

Маъмурий жиҳатдан мамлакат **улуслар, вилоятлар** ва **туманлар**га бўлиб бошқарилган. Мамлакат тўрт улусга бўлинган ва ҳар бир улус ва вилоятларга бўлинган

5-илова

**Мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Тохирийлар мустқиллик йўлида қандай сиёсат юритдилар?
2. Тохирийларда жамият қандай табақаларга бўлинган эди?
3. Сомонийларнинг хокимият тепасига келиш жараёнини очиб беринг
4. Сомонийларда давлат бошқаруви девонлари ва уларнинг вазифалари?
5. Сомонийлар даврида суғориш тармоқларига қандай эътибор берилган?
6. Сомонийлардавлатбошқарувтизимиваунингўзигахослигинимада?
7. Сомонийлар давлатида хуқуқий муносабатлар қандай тартибда амалга оширилган?
8. Қорахонийлар давлати сиёсий тизими нималарга асосланган эди?
9. Қорахонийлар давлати давлат бошқаруви қандай тартибда ташкил этилган?
10. Қорахонийлар давлатида ҳарбий бошқарув тартиби ва ҳарбийларнинг мавқеи қандай бўлган?
11. Ануштакин Хоразмшоҳлар сулоласининг давлат тепасига келиш жараёнини очиб беринг.
12. Хоразмшоҳлар давлатида бошқарув тизими қай тартибда ташкил этилган?
